

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 332.1:316(575.171)

АБДУЛЛАЕВА ГУЛОРА КУРВОННАЗАРОВНА

**“МИНТАҚАДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ
(Хоразм вилояти мисолида)”**

Ихтисослик: 5А 230301 – “ Иқтисодиёт ” (тармоқлар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва

ҳимояга қўйилди.

“Иқтисодиёт”

кафедраси мудири в.б.,

доц. Рўзметов Ш._____

“ ____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар:

_____ доц. Рўзметов Ш.

Илмий маслаҳатчи:

_____ проф. Рўзметов Б.

Урганч-2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Иқтисод
Кафедраси: “ Иқтисодиёт ”
Ўқув йили: 2012 – 2014

Магистратура талабаси: Абдуллаева Гулора
Илмий раҳбар: и.ф.н. Рўзметов Шерзод
Мутахассислиги: “ Иқтисодиёт ” (тармоқлар)

Аннотация.

Магистрлик диссертацияда минтақада ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. Ишда иқтисодиётни либераллаштириш шароитида минтақани ижтимоий ривожлантириш методологик асослари, Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришда Давлат сиёсати, Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналишлари аниқлаб берилган.

Аннотация.

В магистерской диссертации исследованы приоритетные направления развития социальной сферы региона. Рассмотрены методологические основы развития социальной сферы региона в условиях либерализации экономики, государственная политика в области социальной сферы в Узбекистане, определены приоритетные направления развития социальной сферы в Хорезмской области.

Annotation.

In this dissertation main directions of social sphere in the region are analyzed. Methodological bases of development of the region in the period of liberalization of the economy, state policy in enhancing social sphere in Uzbekistan, main directions of developemnt of social sphere in Khorezm region are determined.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Рўзметов Ш. _____

Магистратура талабаси : Абдуллаева Г. _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	9
1.1.	Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари..... 9
1.2.	Ўзбекистонда ижтимоий соҳада тараққиёт моделлари..... 18
1.3.	Ўзбекистонда ижтимоий соҳада аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш асосий йўналишлари..... 23
II-БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	37
2.1.	Минтақани ижтимоий ривожлантириш моҳияти ва уни таъминлашни илмий-назарий асослари..... 37
2.2.	Ижтимоий соҳани ривожлантиришда Давлат Дастурларининг ўрни..... 51
2.3.	Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари..... 62
III-БОБ МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	78
3.1.	Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати... 78
3.2.	Хоразм вилоятида бандлик Дастурларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш..... 90
3.3.	Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишлари..... 100
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	111

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суратлари секинлашаётганига ва унинг ривожланишида хатарлар кучаётганига қарамай миллий иқтисодиёт барқарор юқори суратлар билан ривожланмоқда, иқтисодиётни модернизациялаш таъминланмоқда, аҳоли турмуш даражаси барқарор ўсмоқда.

Жаҳонда умумий эътироф этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" амалга оширилишида Ўзбекистонни ютуқлари ва истиқболлари, жаҳон иқтисодиётининг чуқур ва давомли инқирози шароитларида иқтисодиётни инқирозга қарши бошқариш борасида қўрилаётган самарали чора-тадбирлар нуфузли иқтисодчи олимлар ва жаҳондаги етакчи илмий марказлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Республика Президенти И.Каримов 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқида "Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийиб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади." деб такидладилар.¹

Минтақада ижтимоий соҳани асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало, бу соҳани юқори суратлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларини сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни амалга оширишдан иборатдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

Минтақада ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналишлари куйидаги асосий омилларни ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланиб иш кўришни тақозо этади:

- аҳоли бандлигини таъминлаш минтақавий дастурларини амалга ошириш;

- аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш;

- умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия тизимини замонавий талаблар асосида ташкил этиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва тиббиёт муассасаларини халқаро талаблар даражасида жиҳозлаш;

- аҳоли турмуш даражасини мунтазам равишда ўсиб боришини таъминлаш, халқни моддий фаровонлигини ошириш.

Шулар билан бир қаторда минтақаларни барқарор ривожланиш стратегиясининг амалга ошириш, шу асосда ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиниши ҳудудларни иқтисодий, табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида минтақа ижтимоий ривожланишини устувор йўналишларини асослаб бериш заруратини тақозо этади ва мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақаларда ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар У.Изард, М.Портер, П.Кругман, Г.Брундтланд, И.Валерстайн, В.Ойкен, А.Гранберг, Ж.Вальтер, С.Розенфельд, Россиялик олимлар В.Кистанов, Г.Азоев, В.Гончарев, И.Семенова, А.Юданов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ушбу йўналишдаги бошқа муаммолар мамлакатимиз олимлари С.Гуломов, Т.Ахмедов, А.Вахобов, А.Қодиров, Б.Рўзметов, А.Солиев,

А.Содиқов, С.Салаев, Р.Нурибетов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган.

Бироқ, шулар билан бир қаторда, иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, модернизациялаш шароитида минтақада ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлашга бағишланган махсус тадқиқотлар етарли эмас.

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотда қўйилган муаммонинг долзарблиги, шунингдек, унинг етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу магистрлик диссертация ишининг предмети, мақсади ва асосий вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация иши мавзуининг илмий-тадқиқот ишлар режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсадини минтақани ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш устувор йўналишларини аниқлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ташкил этади.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш шароитида минтақада ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосий омилларини аниқлаш;

- Ўзбекистонда ижтимоий соҳада тараққиёт моделларини таҳлил қилиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришда Давлат Дастурларини ўрнини баҳолаш;

- ижтимоий ривожланишда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ўрганиш;

- Хоразм вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш омилларни таҳлил этиш;

- Хоразм вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларини ривожланиш устувор йўналишларини асослаб бериш.

Тадқиқот предмети ва объекти. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият кўрсатаётган ва ривожланаётган Хоразм вилояти иқтисодиётининг ижтимоий соҳа тармоқлари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида минтақада ижтимоий соҳа тармоқлари самарадорлигини ошириш усуллари ва механизмлари тадқиқот предмети ташкил этади

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида асосан тизимли ва мантикий ёндашув, қиёсий ва статистик таҳлил, иқтисодий-статистик ва эксперт-баҳолаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

- иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш шароитида минтақада ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосий омиллари аниқланди;

- Ўзбекистонда ижтимоий соҳада тараққиёт моделлари классификация қилинди;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришда Давлат Дастурларини ўрнига баҳо берилди;

- ижтимоий ривожланишда аҳоли турмуш даражаси ва сифати ўрганилди;

- Хоразм вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларини ривожланиш устувор йўналишлари асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Асосий илмий мулоҳазалар минтақада ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш шароитида амал қиладиган умумий қонуниятлар ва ўзига хос минтақавий хусусиятларни очиқ беришда услубий ёндашувларни кенгайтиради.

Минтақа иқтисодиётида ижтимоий соҳа тармоқларини ўрнига қаратилган амалий тавсиялар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан

худудий, тармоқ ва маҳаллий ривожлантириш ижтимоий соҳа дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилади.

Натижаларнинг наشري. Диссертациянинг асосий жиҳатлари иккита илмий мақола ва маърузалар тезисларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тўзилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, уларнинг мазмуни 100 саҳифада баён этилди, шунингдек иш 10 та жадвал ва 11 та расмларни ҳам ўз ичига олади.

I-БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Ижтимоий сиёсатнинг мақсади кишилар ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш, айрим фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, ҳимоялаш, тўғри йўналтириш ва меҳнат қобилиятини қайта тиклаш учун шароитлар яратишдан иборат. Бунга самарали меъёрий-қадриятлар тизимини яратиш; фуқароларга ижтимоий меъёрларни амалда таъсир эттириш, уларнинг хулқ-атворини ижтимоий тартибга солиш воситаси сифатида унинг таъсирини юқори даражага кўтариш, ижтимоий туғилажак эҳтиёжлар билан, манфаатлар билан уларни қаноатлантириш имкониятлари - аниқлиги, объективлиги, меъёрий кўрсатмаларга зид бўлмаслиги ва бошқалар орасидаги ўхшашлик тушунилади.

Илмий асосланган, барча қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари ҳамда эҳтиёжларни ҳисобга олувчи ижтимоий сиёсат жамиятни барқарорликка олиб келади, жамоавий бирдамликни, ижтимоий кескинлик юзага келмаслигини, ижтимоий ахлоқ гуманитарлашувини, ижтимоий-руҳий мақбул иқлим юзага келишини таъминлайди.

Ижтимоий сиёсат икки хил яқин даврга ва истиқболга мўлжалланган бўлиши мумкин. Яқин йиллар учун мўлжалланган ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш тарзининг янада оғирлашувига йўл қўймаслик, бандлик сиёсатини самарали олиб бориш ва ишсизликнинг жадал ошишини чеклаш; аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларининг моддий аҳволини ва турмуш шароитларини тадрижий равишда яхшилаш учун зарур имкониятларни яратишни назарда тутди.

Узоқ муддатли ижтимоий сиёсат самарали рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш йўли билан фуқаролар ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш учун шароитлар яратишни киритиш мумкин.


Ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади: жамият умумий фаровонлигини, гуманитарлаштириш даражасини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-қувватлаш: болалар, оналар, кекса кишилар, етимлар, ногиронлар, қачоқлар, ишсизлар ва бошқа манфаатдор кишиларни манфаатлари орқали бошқариш ижтимоий сиёсатнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатда кескин ижтимоий табақаланишни олдини олиш ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим ҳисобланади. Ижтимоий табақаланишга ижтимоий адолатсизлик ва оммавий низолар манбаи сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам ижтимоий барқарорликни таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг муҳим қисми саналади.

Ижтимоий кафолатлар ҳам ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги муҳим омил ҳисобланади. Ижтимоий кафолатлар шароитлар, усуллар ва воситалар, бўлар фуқароларнинг конституциявий кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини тўсиқсиз амалга оширишни ва ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлайди. Мамлакат сиёсий-ҳуқуқий тартиби, шунингдек, вазият ижтимоий кафолатни тайинлаш шартларидан ҳисобланади, мана шунда фуқаронинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошади. Минимал истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш, турар жойга бўлган минимал мақбул шароитларни таъминлаш, маълумот олиш, соғлиқни сақлаш муҳим ижтимоий кафолатлар бўлиб ҳисобланади. Мазкур минимум мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари ижтимоий ҳимояланганлигининг асосий кафолати давлат ижтимоий сиёсатини амалга

оширишнинг муҳим шакли бўлиб, истеъмол жамоатчилик фондлари ҳисобланади. Ижтимоий сиёсат асоси сифатидаги ижтимоий кафолатлар тизимининг қарор топиши мустаҳкам қонунчилик негизини шакллантиришни тақозо этади.



1.1.1 – чизма. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни асосий тамойиллари²

2000-2013 йилларда Республика ҳукумати кўрган чора-тадбирлар иқтисодиёт тараққиётининг устивор йўналишларини амалга ошириш, халқ хўжалиги ва иқтисодиёт соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни босқичма-босқич бажариш, шунингдек аҳолининг турмуш-тарзи ҳамда даромадларини оширишга қаратилган.

² Муаллиф томонидан тузилган.

Ижтимоий соҳани устивор ривожлантириш кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш дастури ва ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирлар доирасида ўтди.

2013 йилда иш ҳақи ва аҳолининг турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан иш ҳақи миқдорини доимо ўстириб бориш бўйича белгилаб берилган муҳим ижтимоий вазифанинг ижросини таъминлаш бўйича изчил ҳаракатлар давом эттирилди ва 2013 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори 21,2 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробарга оширилди³.

Аҳолининг таркибида 1 январь 2013 йилда аёллар ва эркакларнинг сони бир хилда бўлди. Меҳнатга яроқли ёшдан кичик бўлган аҳоли (16 ёшгача) сонининг юқори улуши сақланиб турмоқда - умумий аҳоли сонига нисбатан 34,6 % ва меҳнатга яроқли ёшдагилар эса (16-55 (60) ёшдагилар) - 16,1 млн. киши ёки 58,0% меҳнатга яроқли ёшдан катта бўлганларнинг улуши 7,1%ни ёки 1,9 млн. кишини ташкил этади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати кенг маънода ҳукуматнинг ҳар қандай ҳаракатини ўзига киритади ва уларнинг ҳар бириси у ёки бу маънода ижтимоий аҳамият касб этади ҳамда бу давлатнинг ижтимоий сиёсатига киритилиши мумкин, унинг ижтимоий - иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, ижтимоий ва бошқа тизимларини айтиш мумкин. Ижтимоий бозор иқтисодиёти моделининг асосий жиҳати бу аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгандир. Скандинавия давлатлари асосан худди шундай ижтимоий сиёсат юритади.

Давлат ва жамиятнинг ижтимоий масалалар ечимига қаратилган фаолиятининг мослиги, бошқача қилиб айтганда, барча ижтимоий

³ Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. -"Халқ сўзи" газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

дастурларнинг мослигини ижтимоий соҳа деб тушунишади. Шунингдек, ижтимоий эҳсонларни амалга оширувчи давлат ва жамият ташкилотларининг, мактаб, ўқув юртлари, касалхоналар, театрлар, меҳнат бўлимлари, энергия тармоқлари, сув, газ тармоқлари ва бошқалар, яъни давлат қўлидаги ижтимоий инфратузилмалар ҳам шунга киради.

Ижтимоий соҳа ёки мажмуа у атамани кенг маънода тушунишда «давлат ташкилотлари» соҳанинг ва «нотижорат» уй хўжаликларига хизмат килувчи ташкилотлар соҳанинг бир қисмини қамраб олади.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳа давлатнинг ижтимоий дастурларини ҳам қамраб олади ва шунинг билан унинг иқтисодий салоҳияти икки тарафлама ифодага эга бўлади:

-бир томондан, бу аҳолининг эҳтиёжларини кондириш учун ишлайдиган давлат мулки, бошқа томондан ижтимоий дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бюджет харажатлари.

Ижтимоий хизматларнинг ривожланиши инсоний капитални инвестициялаш ҳисобланади, шахснинг ишлаб чиқариш ва руҳий салоҳиятини қўллаб - қувватлаш ва ривожлантириш, ижтимоий дастурларидек, у солиқ тушумидан молиялаштирилиб, эҳсон ҳисобланмайди, вақт ўтиши билан бепул хизмат истеъмолчилари бу харажатларни тўлдирадилар.

Ижтимоий секторда баҳолар махсус рўл ўйнайди. Улар ижтимоий неъматларни ҳар қил турдалигини ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклифни ташкил этиш хусусиятлари билан белгиланади. Бу эса ижтимоий соҳа секторларига қараб (баҳоларни ташкил этишда) фарқларни мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кундалик турмушида ижтимоий соҳанинг ўрни юқорилигини ҳисобга олганда, айнан баҳо омили аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир этади.

Соф ижтимоий таъминотларда баҳоларни ташкил этиш қўшма ижтимоий таъминотларда баҳоларни ташкил этишдан фарқланади (масалан, табиий монополиялар томонидан яратилган баҳоларини ташкил этиш).

Айрим ижтимоий неъматларга бозор баҳоси йўқ (яъни уларни баҳоси «0»га тенг). Истеъмолчилар соф ижтимоий неъматларга пул тўлашмайди, улар уни бепул истеъмол қилишади. Лекин бепул истеъмол фақат биринчи кўринишда бўлади. Уларни молиялаштириш солиқлар орқали амалга оширилади (дарёлар - экологик солиқ).

Соф ижтимоий неъматлар худди шахсий неъматга ўхшаб иқтисодий таъминотга киради. Маълумки, иқтисодий неъматларлар бепул табиий неъматлардан фарқланади (масалан куёш нури, соф сув, хаво ва ҳоказо) Уларни ишлаб чиқариш-ижтимоий ресурс харажатларини талаб қилади, лекин таклифи бепул табиий ресурсларга қараганда чекланган. Ушбу фарқни ўз вақтида А.Маршал кўрсатган. Иқтисодий неъматлар ҳам табиий неъматлар каби фойдалиликка эга. Масалан дарёларни ва инсон томонидан қурилган каналларни фойдалийдигани.

Соф ижтимоий неъматларни бепуллиги шуни белгилайдики, уларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат баҳолар механизми билан эмас, балки нобаҳолар механизми билан ўрнатилади.

Ижтимоий секторда шундай нобаҳо механизмга: солиқлар, молия нормалари ва бошқалар киради. Уларни бозор баҳоларга тенглаштирсак бўлади. Лекин улар умуман баҳоларга тенг эмас.

Президентимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ халқаро майдондаги ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга баҳо берар экан, мазкур жараёнларнинг ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмагани ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ташвишланарли ҳол сифатида таъкидлаб ўтди⁴.

Барчамизга маълумки, мазкур жараёнларнинг таъсирини реал баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари инқирознинг дастлабки

⁴ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-6.

палласидаёқ"...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади"⁵, дея ўзларининг қатъий фикрларини билдирган ҳамда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналишларини олдиндан кўрсатиб берган эди.

Президентимиз ўз маърузасида биринчи навбатда дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини қайд этиб ўтди. Шуниси эътиборлики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат, энг аввало иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳар томонлама пухта ўйланган ўз тараққиёт йўлимиз - ўзбек моделининг тўғри танлаб олингани ва унинг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келинаётгани инқироз шароитида иқтисодиётимиз учун ўзига хос "хавфсизлик ёстиғи" вазифасини бажарди. Айниқса, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлига юртимизда қатъий амал қилиб келинаётгани, давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олгани, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги, оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилгани, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида

⁵ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-6.

нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги ва бошқа муҳим омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирини сезиларли даражада юмшатишда мустаҳкам замин бўлди.

Бу эса кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кўзатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2013 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабхаларида катта ютуқларга эришиш имконини берди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ушбу жараёнларни биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизга етганида яққол кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини - 1,0 фоиздан - 0,4 фоиз даражасига қадар пасайтиришга, 2005-2013 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга қадар оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2013 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора тадбирлар натижасида бюджет даромадлари унинг ҳаражатларидан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,3 фоизи даражасида бўлишига эришилди.⁶ Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети ҳаражатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги рўли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети ҳаражатларининг таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Ҳозирги вақтда давлат ҳаражатлари таркибида кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни амалга оширишни молиялаштириш асосий ўрин тутди. Натижада ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган ҳаражатлар улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2012 йилда 59,7 фоизга изчил ўсди.⁷ 2013 йилда Давлат бюджетининг ҳаражатлар қисми 2012 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети ҳаражатларининг 59,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

⁷Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-200 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Т.: "Ўзбекистон", 2011, 59-61-б.

1.2. Ўзбекистонда ижтимоий соҳада тараққиёт моделлари

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек: "Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, ...мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, ... ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда"⁸.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзбек модели инсон тараққиётининг гаровидир⁹. Ўзбекистон тараққиёт модели олимларни фикрича 5 та комплекс моделлардан иборат бўлиб, улар бугунги Ўзбекистоннинг барқарор (8-8,5 фоиз) ўсиши ва шаклланаётган обод турмуш заминини яратмоқда. Бу моделлар қуйидагилардан иборат:

1.Ўзбек иқтисод модели (кичик бизнес ва хусусий, оилавий тадбиркорлик - одамларни ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш, билимга таянган инновацион жамият).

2.Ўзбек илм-фан ва таълим модели (янги билимлар яратиш, уларни инновацияларга айлантириб обод турмуш қуришга ўқитиш).

3.Ўзбек соғлиқни сақлаш модели (она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва овқатланиш масалаларига катта эътибор қаратилган).

4.Ўзбек оила модели (соғлом ва интеллектуал салоҳиятли болаларни яратади).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ёналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январ

⁹ Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. Дарслик. - Т : Фан ва технология, 2013

5.Ўзбек маҳалла модели (обод турмуш қуришда, интеллектуал салоҳиятли оила ва болаларга эътибор қаратиш).

Буларнинг ҳар бири бўйича (ишлаб чиқиш механизмлари, ўзига хос хусусиятлари ва натижалари тўғрисида) Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов (халқаро ташкилотлар талабларига биноан) халқаро конференцияларни ташкил этиб, Ўзбекистонни инқирозга қарши тажрибасини бутун дунёга намуна қилиб бердилар.

Бу моделлар узоқ (ҳар бири 30-50 йил) индустриал, пост индустриал, инновацион иқтисодий даврларни кетма-кет босиб ўтмай, тўғридан-тўғри билим ҳосил қилган ҳолда билимга таянган иқтисодий жамият шаклланган ва ривожланган давлатга айланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш моделида кўпроқ илмий изланишларни озиқ-овқат, сув ва минераллар-витаминлар турларини ҳар бир болани қобилятига ҳар куни қандай таъсир қилаётганига қаратилса, таълим ва бизнесда сифат янада ошарди.

Илм-фан ва таълим модели ҳақида тўхталадиган бўлсак, таълимни илм-фандан ажратиб бўлмайди. Таълимнинг вазифаси охирги Илм-фан натижаларини талабаларга етказиш, янги билим яратиш ва уларни жорий этиб обод турмуш кўриш механизмларига ўргатишдир.

Таълимнинг самарадорлиги вақт тежамкорлиги қонунига асосланади. Яъни, ўқитишга қанча кам вақт кетса ва қанча болани кўпроқ вақти янги билим, инновация яратишга қолса, таълим самарадорлиги шунча кўтарилади.

Ўқиш-ўқиш учун мақсад бўлолмайди. Ўқининг мақсади тезкор (умр қисқа) инновациялар яратиб обод турмуш қуриш. Ўзини ҳам шахсий турмушини обод қилиш.

Олдинги вақтлар оила ишчи кучи яратар эди. Ер, сув, табиий ресурслар кўп бўлиб, одамлар нисбатан кам эди. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиганлар етишмас эди. Бугунги кунда ер юзидаги одамлар сони 7 млрд.дан ортиб кетган бўлиб, бунга тескари равишда ер, сув ва бошқа ресурслар камайиб бормоқда. Эндиликда оила, интеллектуал салоҳиятли, қобилятли болаларни

яратишлари керак. Чунки жисмоний ишлаб бир бойлик топсанг, интеллектуал салоҳиятни ишлатиб минг бойлик топиш мумкин. Бунга Билл Гейц Microsoft компанияси асосчисини мисол қилса бўлади. Унинг шахсий бойлиги 73 млрд. АКШ долларини ташкил этади. Microsoft ҳам кичик бизнесдан иш бошлаб, ҳозирги кунда йирик корпорацияга айланди.

Юртбошимиз айтганларидек, кичик бизнесни илғор илм-фан асосида ривожлантириш учун интеллектуал салоҳиятни ҳар бир тадбиркорда тезроқ ўсиши ва ишлаб чиқаришда инновацияларга айланиши зарур.

Турмушни обод бўлиши жамиятдаги интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг ўсишига пропорционалдир.

Мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал бойлик ярата оладиган қилиб тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринлидир. Яъни: "Биз фарзандларимизнинг нафакат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз"¹⁰.

Интеллектуал салоҳиятни (бу-билим ўзлаштириш, янги билим яратиш ва уни инновацияларга айлантириб обод турмуш қуриш қобилияти коэффиценти) ўсишига таъсир қилувчи омилларга тенг бўладиган бўлсак, 30-35 фоизи етти авлоди наслига (генларига), ота-боболарининг интеллектуал салоҳияти ва оила кадриятларига боғлиқ экан. Интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши яна 30-35 фоизи бир кунлик овқатланиш тартибига (пархезига) яъни сифатли, организмга етишмаган моддаларга боғлиқ экан.

Фикримизча **инсон** капиталини ривожлантиришда қуйидаги тушунчалар ҳар бир инсон ва таълим ходимлари учун устувор бўлиши муҳим. Булар қуйидагилар:

¹⁰ Каримов И.А. "Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққieti ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузадан

- жисмоний ишлаб битта бойлик топсанг, интеллектуал салоҳиятни ишлатиб, минг бойлик топишинг мумкин ;
- донишманд мия ўз танасига шифокор;
- соғлом чиройли тана яхши, ақлли мия ундан юз марта яхши;
- мияни ривожлантирсанг ва ишлата билсанг - тананг соғлом, турмушинг обод бўлади.

Юкоридаги фикрлардан келиб чикиб, куйидаги чора-тадбирлар амалий фиолиятимизда самарали амалга оширишимиз инсон тараққиётида, инсон капитали ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Булар куйидагилар:

- таълимда, соғлиқни сақдаш ва оилада сифатли тўзилмавий ўзгаришлар бўлиши керак;
- ҳаражатлар оптималлашиб - асосан интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга қаратилиши керак;
- соғлиқни сақлаш давлат бюджета (15 фоиз) ва шахслар молиясини соғлом болаларни туғилишига қаратилиши;
- оила, давлат дастуридаги молия ва ўз даромадларини билишни кучайтиришга қаратилиши;
- таълим билим бериш моделидан - янги билим ишлаб чиқариш моделига ва уни ишлата билиб, обод турмуш қуриш механизмларига ўтиш;
- жамият ва ишлаб чиқариш, билимли одамларни қадрлаш (моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш) ва улар билимини инновацияларга айлантириб, обод турмуш қуриш моделига ўтиш
- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик ёрдамида кишиларни интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ;
- маҳалла, ўзини-ўзи бошқаришда органларида ақлли, интеллектуал салоҳиятли тадбиркор оилаларни кўпроқ қўллаб-қувватлаш ва тажрибасини кенг ёйиш.



1.2.1– чизма. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тараққиёт моделларини классификацияси¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган

1.3. Ўзбекистонда ижтимоий соҳада аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш асосий йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари Республика Президенти И.А.Каримов асарларида кенг ёритилган. Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида "Биз амалга оширилаётган ислохотларимизда, барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак" деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда қўриш, қўзатиш қийин эмас"¹² деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасида аолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсади қўзланган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлашлари кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;
- реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир фуқарога ўз меҳнати билан ўзи ва оиласи даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини яхшилаш шарт-шароитларини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оила бизнеси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, касаначиликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларни муттасил ошириб бориш;
- инфляция даражасини пасайтириш, солиқ юкини камайитириш;
- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш;

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч . -Т.: Маънавият. 2008, 105-106 б.

– аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини аниқ ва мақсадли йўналтириш, кам таъминланган oilаларга aloҳида ёндашиш, ижтимоий муҳофаза қилиш янги тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишидир. Мустақиллик йилларида мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробар, ўртача иш ҳаки 16 баробар, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарга ортди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробарга кўпайди.

2012 йилда Давлат бюджети жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийиб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

2012 йилнинг ўзида аҳоли даромадлари 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳаки 26,5 фоизга ошди. 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳаки истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда Ўзбекистонда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳаки, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошди, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Республика аҳоли даромадларининг муттасил ошиб бориши билан бир қаторда унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани aloҳида эътиборга моликдир. 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51,0 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, аҳоли даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланимoқда (1.3.1, 1.3.2 – жадвал).

1.3.1 – жадвал**Аҳолининг умумий даромадлари
(ўтган йилга нисбатан фоизда)¹³**

	2011йил	2012йил
Аҳолининг умумий даромадлари	131,4	123,5
Аҳолининг реал умумий даромадлари	122,4	115,2
Аҳоли жон бошига тўғри келадигин умумий даромадлар	127,9	121,7
Аҳоли жон бошига тўғри келадигин умумий реал даромадлар	119,2	113,6

¹³ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

1.3.2 – жадвал**Аҳоли умумий даромадларининг таркиби¹⁴****(фоизда)**

	2011йил	2012йил
Умумий даромадлари- жами	100,0	100,0
Шу жумладан:		
Бирламчи даромадлар	73,5	71,5
Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,0	69,1
Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	69,4	67,4
Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	42,9	41,6
Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар		
Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,6	1,7
Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,5	2,4
Трансфертлардан даромадлар	26,5	28,5
Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	49,0	49,8

¹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча

катламларининг ўртача ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991-2012 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жihatдан тараққий этган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади .¹⁵

Умуман, Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10,0 фоиз ва энг кам таъминланган 10,0 фоиз катлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги саккиз баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат самарасидир.

Шу билан бирга иш ҳаки ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсиши аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб боришининг асосий омили бўлмоқда. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақиға Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол савати қийматининг факат 8,0 фоизни ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич истеъмол саватининг 120,0 фоизни ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Инсон тараққиётида аҳоли турмуш даражаси ва сифати баҳоланаётганда аҳоли жон бошиға тўғри келадиган даромад билан бир қаторда одамларнинг шинаш шароити ва стандартлари, уларнинг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, истиқомат муҳитини ривожлантириш ва ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ҳамда унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд

¹⁵ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишиға эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. ~ Т, : Ўқитувчи, 2013. -76 б.

бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар инобатга олинади.

Республикада юкорида қайд этилган аксарият индекс ва кўрсаткичлар бўйича катта ўзгариш ва ютукдарга эришилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги оилаларнинг 97,0 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90,0 фоиз узок муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, хар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

1.3.3 - жадвал

2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг турига кўра тақсимланиши (йил охирига; минг киши)¹⁶

	Жами	Шу жумладан олувчилар			
		Ёши бўйича пенсия	Ногиронлиги бўйича пенсия	Боқувчисини ёқатганлиги сабабли пенсия	Ижтимоий нафақа
Ўзбекистон Республикаси	3071,3	2118,2	406,4	260,8	225,3
Қорақалпоғистон Республикаси	179,2	104,2	37,0	18,8	16,6
Вилоятлар:					
Андижон	278,3	193,7	37,4	22,5	20,8
Бухоро	183,2	126,2	30,6	10,5	11,8
Жиззах	101,9	63,3	12,8	13,4	10,7
Қашқадарё	259,3	177,3	29,5	26,4	21,7
Навоий	102,7	65,9	18,2	7,7	7,7
Наманган	235,2	159,1	31,1	22,8	19,0
Самарқанд	313,7	215,1	38,3	31,1	23,5
Сурхондарё	207,2	138,2	23,8	22,6	18,8
Сирдарё	75,5	47,7	12,9	7,0	6,4
Тошкент	301,1	216,9	30,5	26,3	17,8
Фарғона	350,8	254,5	43,5	23,5	23,6
Хоразм	167,8	113,6	24,3	1,9	15,9
Тошкент ш.	315,2	242,5	36,6	16,4	10,8

¹⁶Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

Хозирги вақтда республика саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Мамлакатимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлаткичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш орқали юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Тадкикот натижаларига кўра, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юқори даражага эришилган, Буни ҳар 100 хонадонга 132 та телевизор, 99 та совуткич, 64 та DVD плеер, 145 та мобиль телефон тўғри келишини тасдиқдайди. 1990-2012 йиллар Давомида юртимизда шахсий автомобиллар сони 2,5 баробардан кўпроқ ортди.

Аҳолининг реал даромадлари инфляция даражасига ҳам боғлиқдир. Инфляция мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланиб, бозор ҳўжалигининг турли соҳаларида такрор ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар оқибатида келиб чиқади¹⁷. Инфляция, энг аввало, мамлакат бўйича умумий нарх-наво даражасининг ошиши - узок вақт давомида бозорларда товарларга талабнинг таклифдан ошиб кетиши сабабли пайдо бўлади. Яъни у ялпи талаб билан ялпи таклиф ўртасидаги номутаносибликни англатади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ишлаб чиқариш, ҳўжалик фаолияти, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш билан давлат ва маҳаллий бюджетларни маблағ билан таъминлаш вазифаларини уйғунлаштиришга қаратилган. 2008 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси худди шу

¹⁷ Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати: Ўқув қўлланма. -Т.: Академия, 2007. - 616.

мақсадларга йўналтирилган. Буни Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи куйидагича белгиланганлиги яққол исботлаб турибди. Унга кўра 2013 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи:

- энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача - 8,0 фоиз;
- энг кам иш ҳақининг 10 бараваригача - 16,0 фоиз;
- энг кам иш ҳақининг 10 баравари ва ундан юқори - 22,0 фоиз¹⁸.

Ўзбекистонда аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш юзасидан кенг кўламли чоралар амалга оширилмоқда, Мамлакатда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қўрилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тизими кенг жорий этилган (1.3.4 – жадвал).

Ўзбекистонда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур изчил амалга оширилмоқда. Шу мақсадда "Қишлоққурилишинвест" инжиринг компанияси ва "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ихтисослаштирилган "Қишлоққурилиш инвест" инжиринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика Йул жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловдан озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПК-1887. 25.12 2012 // [http:// www lex.uz](http://www.lex.uz).

асосида мамлакатда янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

- солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно);

- Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштирувчи йиғимлари бундан мустасно) ҳам озод қилинди.

**Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бир киши ҳисобида
аҳолининг уй-жой билан ўртача таъминланганлиги
(йил охирига;уй-жойлар умумий майдони, кв.м) ¹⁹**

	Жами									
	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	14,3	14,4	14,5	14,6	14,6	14,8	14,9	15,0	15,0	15,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,3	15,2	15,4	15,4	15,5	15,4	15,3	15,1	15,3	15,2
Вилоятлар:										
Андижон	9,7	9,7	9,8	9,8	9,9	10,0	9,9	9,9	9,8	9,9
Бухоро	13,5	13,8	13,7	13,8	14,0	14,5	14,4	15,0	14,7	14,6
Жиззах	12,7	12,8	13,0	13,2	13,3	13,4	13,6	13,5	13,5	13,7
Қашқадарё	12,8	13,0	13,0	13,0	13,0	13,1	13,1	14,3	14,5	14,4
Навоий	19,0	19,3	19,4	19,3	19,3	20,4	20,4	20,2	20,0	20,1
Наманган	13,0	13,1	13,0	13,1	13,2	14,2	14,4	14,2	15,4	15,5
Самарқанд	14,1	14,2	14,0	14,1	14,2	14,2	14,2	14,1	14,0	14,0
Сурхондарё	12,7	12,8	12,8	12,9	12,7	13,3	13,5	13,5	13,6	13,5
Сирдарё	14,6	14,8	15,0	15,2	15,4	15,5	15,6	15,8	15,5	15,7
Тошкент	13,7	14,0	14,1	14,2	14,2	14,2	14,3	14,8	14,6	14,6
Фарғона	14,6	14,4	14,3	14,4	14,4	14,3	14,2	13,8	13,4	13,3
Хоразм	22,7	23,7	24,7	24,7	24,6	24,6	24,4	24,4	24,1	24,0
Тошкент ш.	17,3	17,4	17,4	18,2	18,2	18,3	18,4	18,6	18,9	19,3

¹⁹Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

"Қишлоқ қурилиш банк" томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7,0 фоизли кредитлар берилмоқда. Бу эсатижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки марта паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришта қаратилгандир.

Инсон тарақиётида аҳолининг турмуш даражаси ва сифати жамият аъзолари саломатлиги, умр кўриш давомийлиги каби умумэътироф эътилган халқдар мезонлар билан ҳам улчанади. Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилди.

Биринчидан, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб ягона тизим шакллантирилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази уларга раҳбарлик ва фаолиятини мувофиқдаштириш ишларини амалга оширмоқда.

Иккинчидан, мамлакатда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг куйи бўғинини кучайтиришда ғоят муҳим рўл ўйнамоқда. Бунда гап замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган пунктлар ҳақида бормоқда.

Учинчидан, туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи мақбуллаштирилди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқди шифохоналари ҳамда поликлиникалари ташкил этилди.

Тўртинчидан, илмий мактаблар негизда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар - кардиология ва кардиожаррохлик, акушерлик ва гинекология, урология, офталмология, пульманология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Уларда малакали, юқори даражада касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойларида барча хомиладор аёллар давлат бюджета маблағлари ҳисобидан соғлом наслини шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилди. 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд камайди.

Мамлакатда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу, ўз навбатида, дифтерия, кокшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100,0 фоиз йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мамлакатда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9 ўринни эгаллади.

2011 йил охирида Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий модели: "Соғлом она –соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти,

ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан алоҳида таъкидланганидек, республикада одамлар саломатлигини

муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда. Давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.

Соғлиқни сақдаш тизимининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, уни замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий техника билан қайта жиҳозлашга ўтган даврда 700,0 млн. АКШ долларидан зиёд имтиёзли кредитлар, донорларнинг грант маблағлари жалб этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда 2009-2012 йилларда соғлиқни сақдаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпроққа ортди.

1991 йилдан буён ўтган даврда Ўзбекистонда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача узайди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустахкамлаш учун 2012 йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилди. 2012 йилнинг ўзида мазкур Жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳдик марказида замонавий, юксак технологияларга асосланган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-кон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари

даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожаррохлик бўлими очилди.

Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича "Ўзбек модели" БМТ томонидан Шаркий Европа, Болтикбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35,0 фоизни 16 ёшгача бўлган болалар, 62,0 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг "Ўзбек модели" - мустақил давлат тараққиёт йўлининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Амалга оширилаётган бу моделнинг принципиал хусусияти умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди.

Таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийиб 9,5 минг ёки мактабларнинг деярли барчаси янгидан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга таълим муассасаларининг янги турлари - 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлиари муҳим ўрин

эгалламоқда. Мустакиллик йилларида уларнинг сони икки баробар ортиди ва бугунги кунда мамлакатдаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Республикада таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10,0-12,0 фоиз ни ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35,0 фоиздан ортиқ эканлиги мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, ҳолисона баҳоланмоқда.

2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир.

II-БОБ ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

2.1. Минтақани ижтимоий ривожлантириш моҳияти ва уни таъминлашни илмий-назарий асослари

Республика Президенти И.Каримов 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқида ҳар бир ҳудуд учун устувор тармоқларни аниқлаш, табиий-хом ашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини тезкор ва мувозанатли ривожлантиришни ҳудудларни тармоқлар билан узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини қўйдилар.²⁰

Мамлакат иқтисодиётининг турли ҳудудлар тараққиёти яхлитлигининг умумий ҳолатига асосланиши, ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишни тақозо этади. "Ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётини шаклланишида уни ташкил этувчи минтақаларининг аҳамияти катта. Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, барқарор ривожлантиришга эришиш кўп жиҳатдан ана шу минтақаларнинг, яъни мамлакатнинг турли ички қисмларининг салоҳият ва имкониятларига,

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

фаоллигига боғлиқ"²¹- Худудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицион фаолликни янада жонлантириш, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни оширишда солиқларнинг ўрни муҳимдир. Шу сабабли, ҳар бир худуднинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятларини эътиборга олган ҳолда, солиқ сиёсатини нисбатан уларнинг ривожланиш даражасига мослаштириш, солиқ механизмидан самарали фойдаланиш иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялашнинг ҳозирги шароитида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар таркибида етакчи ўринга кўтарилган.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида унинг худудларини ривожлантиришда айрим муаммоларни ўрганиш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда. Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик, ишсизлик даражасининг ортиб бориши ва бошқа шу каби худудий иқтисодиётни ривожланиши билан боғлиқ муаммолар илмий асосланган ҳолда ёндашувни тақозо этади. Айниқса, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етарлича ривожланмаганлиги, инвестициялар оқими мамлакатимизнинг ривожланган худудларига йўналтирилаётганлиги, шарт-шароит ва имкониятлар ҳилма-ҳиллиги оқилона иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этмоқда.

Худудий иқтисодиёт доирасида хўжалик тизимини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш кучларини худудий ривожлантиришнинг иқтисодий стратегик йўналишларини белгилаб беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши худудий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Худудий ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари хориж мамлакатларида XIX асрнинг бошидан ўрганила бошланган. Бугунги кунда худудий иқтисодиёт янги тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда.

²¹ Минтақавий иқтисодиёт: ўқув қўлланма. /А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Махамадалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова. -Тошкент, "Университет", 2003. 142-143 бетлар.

Худудий иқтисодиёт мамлакатнинг худудий хўжалик тизимини ташкил этишни такомиллаштиришини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш кучларининг худудий ривожланишини иқтисодий стратегик йўналишини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш кучларини худудий жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши худудий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Худудларда ишлаб чиқариш ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, жойлашиш омиллари ва худудий ривожланиши худудий иқтисодиётнинг ўрганиш предмети бўлиб хизмат қилади.

Худудий иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётининг ушбу худудда жойлашган ҳар бир таркибий қисмини ўзида мужассам этиб, бу борадаги ўзгаришларни иқтисодиётга таъсирини ўрганади. ХУДУД тушунчаси турли маъноларда ишлатилади. ХУДУД деганда бир хил табиий шароитга эга бўлган, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши бир йўналишга қаратилган мамлакатнинг йирик таркиби қисми, яъни худуди тушунилади.

Иқтисодий ва географик адабиётларда худуд деганда бир қатор умумий жиҳатлари билан бирлашган турли худудлар тушунилади. Масалан:

- мамлакатлар гуруҳи (масалан, Шимолий Африка худуди ва х.к.лар) - макрохудудлар;

- бир неча иқтисодий районларни қамраб олган мамлакат худуди (масалан, Россиянинг Ғарбий ва Шарқий ороллари ва х.к.лар) - макрохудудлар;

- иқтисодий районлар (Шимолий, Шимолий-Ғарбий, Марказий ва х.к.лар) - макрохудудлар;

- вилоят, ўлка, республика ва уларнинг гуруҳлари - худудлараро.

Бундан фарқли равишда республика, вилоят ичкарасида жойлашган майдонларни худуд деб аташади (микрохудудлар). "Минтақавий иқтисодиёт мамлакат миллий иқтисодиётининг таркибий қисмини англатади. Миллий иқтисодиёт эса жаҳон хўжалиги ёки иқтисодиёти тизимининг бир қисмидир.

Минтақавий иқтисодиёт, одатда, мамлакат ичида ажратиладиган иқтисодий районлар ёки вилоятлар даражасига мос келади"²².

Худудий иқтисодиёт бир мамлакатнинг худудлари ва хорижий мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштирилиши ва худудий сиёсатини ўрганади.

Иқтисодий интеграция жараёнининг ривожланиши худудий иқтисодиётни миллатлараро сатҳга кўтарилиши учун шароит яратади.

Худудий иқтисодиёт доирасида қуйидаги муаммолар ўрганилади:

- давлатларнинг худудий сиёсати;
- иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- худуднинг самарали ихтисослашуви ва комплекс ривожланиши;
- иқтисодий районлаштириш;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва худудларни комплекс ривожланиши билан боғлиқ бошда масалалар.

Худудий иқтисодиёт ишлаб чиқаришни жойлашишининг иқтисодий механизмини, худудий ривожланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан шуғулланади. Бунда бир қатор иқтисодий омиллар таҳлили катта аҳамиятга эга, жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигининг динамикаси, миллий даромаднинг худудий бўлиниши, асосий фондларнинг тузилмаси ва самарадорлиги, нарх ва тарифларнинг худудий фарқланиши ва шу кабилар.

Худудий иқтисодиёт муаммолари иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўрганиб келинган бўлсада, хориж олимларининг тадқиқотларида худудий иқтисодиётга оид алоҳида изланиш олиб борилган. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг худудий жиҳатларига қизиқишнинг ортиши

²² Минтақавий иқтисодиёт: ўқув қўлланма. /А.С.Солиев, Э.А.Ахмедов, Р.Й.Махамадалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова. -Тошкент, "Университет", 2003. 142-143 бетлар.

ҳозирги кунда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ҳудудий ривожланиш соҳасида назарий тадқиқотларни кенгайтиришга олиб келди.

Шу билан бирга ҳудудий иқтисодиёт масалаларига бағишланган ишлар нисбатан ёш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, у бугунги кунда шаклланди деган хулоса чиқармаслик керак. Классик иқтисодиёт илми Адам Смит ва Давид Рикардоларнинг классик назарияларидан бошланган бўлса ҳудудий иқтисодиёт ўзининг мумтоз олимлари билан ажралиб туради. Масалан, бу фаннинг ривожига немис олимлари Иоган Тьонен, Альфред Вебер, Вильгельм Кристаллер, Аугуст Леш, рус олимларидан Н.Н. Баранский, Н.Н.Колосовский катта ҳисса қўшганлар. И.Тьонен ҲУДУД омилини қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳаражатлари ва фойдасига таъсир этишини очиқ берди ва ҳудуд корхоналарнинг ихтисослашишига таъсир этишини кўрсатиб берди.

А.Вебер саноат "стандарти" назариясини ишлаб чиқди ва ягона саноат корхонасининг жойлашишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлади. Шунингдек, у барча корхоналарнинг жойлашиш "умумий назариясини" яратиш ғоясини илгари сурди.

Вильгельм Кристаллер мазкур муаммога қарама қарши томондан ёндашиб, объектни жойлаштиришдан эмас, балки жойлашиш жойини тадқиқ қилишдан бошлади. У мамлакатнинг қатламли ҳудудий тузилмасини шаклланишида шаҳар ва агломерацияларнинг рўлини аниқлаб, марказий жойлар назариясини яратиб, асослаб берди. А.Леш иқтисодий район ("иқтисодий ландшафт")ларнинг янги концепциясида Вебер ва Кристаллерларнинг ғояларини бирлаштиришга ҳаракат қилди.

Америкалик олим У.Алонсонинг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар шароитида саноат корхоналарининг жойлаштирилишини асосан ташқи омиллар (яъни ҳудуднинг иқтисодий ўзлаштирилиши) белгилаб беради. Хом ашё манбаларига яқин жойда корхонани жойлаштириш ва малакаси паст ва ортиқча ишчи кучи мавжуд районларда корхоналарни жойлаштириш эвазига олинган тежамкорликдан ташқи омиллар билан

белгиланган тежамкорлик устун бўлиши мумкин. Бундай шароитда йирик шаҳарлар ва уларнинг атрофида саноат корхоналарининг жамланиши Алонсонинг фикрича, табиий бир ҳолдир.

Август Леш хўжаликлар жойланишининг назарий муаммоларини мамлакат доирасида ўрганиб чиққан ва шунга мувофиқ иқтисодий районларга катта эътибор берган. Унинг фикрича, Вебернинг ишлаб чиқаришдаги энг кам зарарлар назариясидан фарқли равишда максимал тарзда фойда олиш корхоналарни жойлаштиришдаги асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда Леш асосий эътиборни тайёр маҳсулотларни сотиш бозорларига қаратди. Унинг иқтисодий районлаштириш назариясининг асосини концентрациялашга ва тарқатишга интилиш- "иқтисодий кучларнинг" ўзаро боғлиқлиги ва қарама қаршилигини ифода этувчи "бозор макони" ташкил қилади.

Иқтисослашиш ва оммавий ишлаб чиқариш концентрациялашган кучларни ифода этади, универсал ишлаб чиқариш ва транспорт ҳаражатлари тарқатиш кучларни юзага келтиради.

Леш назарияси бир қатор фаразлар асосида кўрилган. Масалан, маконни у водий кўринишда тасаввур қилади. Бу ерда хом ашё ва ёнилғи етарли даражада бўлиб, бир текисда жойлашгандир. Иқтисодий районларнинг энг рационал шакли олтибурчакликлардир (асал ари уйлариининг шакли). Улар натижада маконни максимал даражада тўлдиради. Олтибурчакли иқтисодий районларнинг тармоқлари ("иқтисодий ландшафт") ўзининг хўжалик ривожланиши натижасида иқтисодий марказни, катта шаҳарни яратади. Иқтисодий районлар ривожланишининг "оддий шароитлари" билан бирга Леш бир қатор "мураккаб шароитларни" (иқтисодиётга оид фарқликлар)ни, нархлар ва темир йўл тарифларидаги фарқликлар, табиий фарқликлар, миллий ўзига хосликлар, сиёсатдаги фарқликлар ва бошқалар) тадқиқ қилган.

"Худудий фан" терминини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи Уолтер Изард қўлаган. Унинг фикрича, худудий фан худудий иқтисоддан фарқли равишда кенгрокдир ва у макон, худудлар (районлар)ни, жойлашиш жойларини ва уларнинг тизимини ўрганиши керак. У.Изард жойлаштиришнинг умумий назариясини яратиш соҳасидаги бир қатор ишларни (Вайгман, Вебер ва бошқалар) бирлаштириб таҳлил қилган.

Юкорида қайд қилинганидек Изард "Худудий фан" терминини биринчи бўлиб қўлаган. Ҳозирги замон худудий фаннинг энг йирик вакилларида куйидаги олимларни кўрсатса бўлади: Уолтер Изард (АҚШ), В.Леонтьев (АҚШ), П.Хагет (Англия) ва бошқалар. Улар худудий режалаштириш ва иқтисодий прогнозлаштириш бўйича бир қатор ишларни нашр этганлар. У.Изард ва В.Леонтьев 50 йилларнинг бошларида районлараро алоқаларнинг биринчи кўп тармоқли моделларини ишлаб чиқишди. Изарднинг модели кўпроқ машҳурдир.

Россия олимлари ишларида худудий тадқиқотлар. Россияда худудий иқтисодиёт фан сифатида дастлаб иқтисодий география доирасида Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский ва бошқа олимлар ишларида шакллана бошлади. Иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, иқтисодий география билан боғлиқ масалалар бўйича мазкур олимлар бир қатор йирик тадқиқотларни амалга оширган.

Н.Н.Баранскийни иқтисодий географиянинг асосчиларидан бири деб тан олишган. У иқтисодий географиянинг назарияси ва методологияси бўйича кўп сонли тадқиқотларнинг муаллифидир.

Н.Н.Колосовский 40 йилларнинг ўрталарида район миқёсидаги худудий мажмуалар тизимини тадқиқ қилди, худудий ишлаб чиқариш мажмуалар назариясига асос яратди. Хўжалик тузилмаси ва районлар ички ишлаб чиқариш алоқаларини аниқлашга имкон берувчи районларнинг иқтисодий-географик тавсифи учун асосий бўлган қувват ишлаб чиқариш цикллар методини яратди.

Қувват ишлаб чиқариш цикли (КИЦ) - бу ишлаб чиқариш учун энергия ва хом ашёлар умумий бўлган бир бири билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг қонуний занжиридир.

Колосовский 1947 йилда саккизта КИЦни аниқлайди. Илмий техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришга хом-ашё ва энергияларнинг янги турларини кириб келиши сабабли КИЦ сони икки баробарга ошди. Бугунги кунда 16 КИЦ аниқланган.

Кейинчалик ҳудудий иқтисодиёт муаммоларини рус олимларидан П.М.Алампиев, В.В.Кистанов, А.Е.Пробст, Э.Б.Алаев, Н.Н.Некрасов ва бошқалар тадқиқ қилишган. Уларнинг ҳулосасига биноан иқтисодий район - бу мамлакат халқ хўжалигининг таркибий қисмидир. У муайян ҳудудни эгаллайди. Унинг асосий таърифи: ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, ишлаб чиқаришнинг даражаси ва тузилмаси, иқтисодий-географик жойлашуви, табиий ва ишчи кучи ресурслари.

Миллий иқтисодиёт таркибини таҳлил ва тадқиқ қилишда ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибини турли шаклларида фойдаланилади. Уларнинг барчаси давлатнинг бошқарув функциясини ва унинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда хизмат қилишлари мумкин. Бироқ, бу нуқтаи назардан расмий маҳаллий ҳокимият тизимига эга бўлган маъмурий иқтисодий районлар жуда қўл келади. Шу билан бирга мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, геосиёсий тузилмаси объектив ҳолатда шаклланган иқтисодий районларга (минтақаларга) асосланиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ҳудудининг табиий географик жиҳатдан турли туманлиги унинг "географик геометриясини", ҳудудий иқтисодиётнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Мамлакат ҳудуди ички тузилмасининг табиий жиҳатдан ҳар қиллиги унинг иқтисодий ривожланишида ижобий аҳамиятга эга. Чунки, бундай табиий географик ҳолат иқтисодий географик вазиятнинг шаклланиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига имкон беради. Зеро, ҳар

қандай мукаммал тизим бир тусдаги таркибий қисмларнинг оддий йиғиндисидир эмас, балки уларнинг турли-туманлигидан ташкил топади. Айнан ана шундай шароитда ҳудудий birlikлар бир-бирини тўлдиради, улар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнига эҳтиёж туғилади ва шу асосда иқтисодиётнинг ҳудудий самарадорлиги вужудга келади.

Бирор бир мамлакатнинг ҳудуди табиий ва иқтисодий жиҳатдан мутлоқ бир хил бўлмайди. Худди шунга мос равишда ишлаб чиқариш кучлари ҳам ҳудуд бўйича бир текис жойлашмайди. Нотекислик эса ўзига хос ҳудудий-иқтисодий ривожланиш омилidir. Қизиғи шундаки, ҳар қандай мамлакат ёки вилоят ўзининг ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини бир текис жойлаштиришга, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга ҳаракат қилади, аммо мутлоқ ҳолда бундай тенглик ҳеч қачон амалга ошмайди.

Бозор муносабатлари нафақат тармоқ ва корхоналараро рақобатни, балки ҳудудлар-иқтисодий районлар орасида ҳам соғлом рақобат муҳитини тақозо этади. Бунда ҳар бир ҳудуд ўз ички имкониятлари, ривожлантирувчи кучларидан тўлароқ ва самарали фойдаланишга, қулай инвестиция муҳитини шакллантирган ҳолда экспорт салоҳиятини оширишга интилади.

Бозор иқтисодиётининг трансформацияси шароитида унинг ҳудудий элементининг мавжудлиги ҳудудий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий сиёсатнинг кутилаётган ва ҳақиқатдаги натижаларини қиёслашга мажбур этади. Макроиқтисодий тахминлаштиришнинг умумий қонуниятлари нуқтаи-назаридан мутлоқ тўғри ҳисобланган ҳолатлар ҳудудий тизимда ўзига хос махсус аҳамият касб этиши ва аниқ олинган ХУДУД манфаатлари нуқтаи-назаридан бошқачароқ талқин этилиши мумкин. Мамлакат миқёсидаги умумий ҳолат ва ҳудудий иқтисодиётни қиёслашда шуни алоҳида таъкидлаш мантиқий ўринли бўладики, бунда ҳудудда умуман жамият турмуш даражаси барқарорлиги таъминланиши ва шу билан бир вақтда ҳудудий тизим барқарорлиги ҳам эътиборга олинishi керак. Амалиётда мазкур долзарб масалани республика марказий ҳукумати ҳал

килади. Марказ учун ҳудуд макроиктисодий тизим ва макроиктисодий тартибга солиш объекти сифатида майдонга чиқади.

Ҳудудлар тараққиётининг хусусиятлари ҳам сифат кўрсаткичлари - ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, хўжаликнинг базавий тармоқлари, ихтисослашув кабилар микдорий кўрсаткичлар орқали намоён бўлади. Зеро, айрим асосий кўрсаткичлар бўйича, масалан, йўл таъминоти бўйича, сув таъминоти ва ҳудудий ривожланишнинг бошқа шароитлари бўйича, аҳолининг ижтимоий-инфратузилмавий таъминоти ва улар томонидан ижтимоий хизматлар истеъмоли бўйича турли ҳудудлар "фоизларда" эмас, балки ҳатто "марталарда" бир-биридан фарқ қилмоқда.

Ижтимоий янгилашларнинг ҳар қандай концепцияси агар у "умумий аҳамият" ғоя шаклини олмаса инкирозга юз тутди, амалга ошириш муддатлари ишончсиз бўлади ва турмуш тарзининг пасайишига олиб келади. Давлат сиёсатининг мақсадлари мазмунли хусусият касб этиши ва жамият томонидан қўллаб-қувватланмоғи лозим. Ушбу мақсадлар қаторига сўзсиз тарзда, қуйидагилар киритилади: иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш шароитининг кўтарилиши, ҳаёт даражасининг яхшиланиши, мамлакат хўжалик субъектлари ва фуқаролар ҳавфсизлигининг таъминланиши.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт трансформацияси шароитида ислохотларнинг туб мақсади аралаш типдаги иқтисодиётни институционал расмийлаштирилишидан иборатдирки, бунда иқтисодиётни ташкил этилишининг ўзига хос тизими амал қилади ва оптимал нисбатларда хусусий, корпоратив ва давлат бошқаруви иштирокини турли мулк ва хўжалик юритиш шакллари ўзаро таъсирининг доимий такомиллашувини, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатга эришишнинг ижтимоий оғриқсиз, қулай йўллари қидириб топишни талаб этади²³.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришни такомиллаштириб бориш зарурияти эса бошқарувни ҳудудий иқтисодиёт даражасига кўчириш

²³Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт трансформацияси шароитида кўп укладлилиқ. -Т.: Шарқ, 2003. - 81 б.

талабини келтириб чиқарди. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни ва босқичларининг ривожланиб бориши оқибатида бугунги кунга келиб республикамизда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўрни ва аҳамиятига кенг урғу берилмоқда. Маҳаллий бошқарувнинг такомиллашиб боришига бўлган эътибор мамлакатда ҳудудий иқтисодиётни бошқаришнинг маҳаллий ҳокимият органларига топширилишига сабаб бўлдики, бу эса секин-аста жойларда ўзини-ўзи бошқариш органларининг имкониятларини хис этиш ва тўлиқ намоён қилиш шароитини яратди.

Республикада маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларининг кенгайтирилиши ҳудудий иқтисодиётни бошқариш тизимига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Лекин шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнидаги одимлари мамлакатда ҳудудий иқтисодий сиёсат соҳасидаги ўзига хос муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган туб ислохотлар янада чуқурлашаётган шароитда, миллий иқтисодиёт хусусиятлари билан биргаликда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, ресурсларнинг жойлашуви, иқтисодий омилларга бўлган талаб ва таклиф мувозанати, ишсизлик даражаси каби қатор омилларнинг ҳисобга олиниши амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошишига хизмат қилади. Шу боис, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш масалалари доимо мунозарали бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг гувоҳлик беришича, бу борадаги муаммоларни ҳал этишнинг самарали воситаларидан бири солиқлардир. Солиқларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни унинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, шунга монанд ҳолда солиқларнинг рўли ҳам турличадир.

Солиқлар воситасида тартибга солиш самарадорлиги иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш ва аҳолининг яшаш даражасини ошириш натижасида давлат бюджетига ундириладиган солиқларнинг кўпайишига ҳам олиб келади. Солиқларнинг самарадорлигини таъминлаш механизми иқтисодиётни ривожлантириш даражаси, аҳолининг турмуш даражаси ва жамият олдидаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши лозим. Шу жиҳатдан, республикамизда солиқлар воситасида тартибга солиш механизми миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилиши билан биргаликда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштиришга, ишсизликни камайтиришга ҳам қаратилган.

Солиқлар воситасида тартибга солиш самарадорлиги давлат олдидаги стратегик вазифаларни амалга ошириш натижалари билан баҳоланиши лозим. Ҳудудлар ривожланишини солиқлар воситасида тартибга солишнинг мақсади ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу жараёнда давлат, ҳудудлар ва солиқ тўловчилар ўртасида солиқ тушумларини тақсимлаш, солиққа тортиш даражаси ва инвестициялардан фойдаланиш масалалари кўпгина мунозараларга сабаб бўлади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни янада кучайтириш учун ҳудудлардаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирларнинг белгиланиши лозим. Бу борада мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2005 йил 11 апрелидаги Фармониға мувофиқ

тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқларига 3 йилдан 7 йилгача асосий солиқлардан имтиёзлар берилди²⁴.

Дарҳақиқат, ушбу имтиёзлар бевосита ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, бугунги кунда улардаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда берилган бўлиб, ҳудудлар ривожланишини жонлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳудудларнинг ривожланиш даражасини кучайтириш мақсадида шу каби мақсадли имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ,. Жумладан, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларини ривожланишини тезлаштириш учун миллий хўжалик юритувчи субъектларга ҳам бир қатор енгилликларни кўзда тутган имтиёзлар берилиши лозим.

Республикамиз солиқ қонунчилигидаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг самарадорлиги мониторингини кучайтириш ҳудудлар солиқ потенциалини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларини беришда аниқ ва мақсадли имтиёзларга, яъни солиқ инвестицияларига янада кенг аҳамият берилиши мамлакатимиз ҳудудлари ривожланишини рағбатлантиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни, шу жумладан, ҳудудий иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришда асосий воситалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши лозим:

- республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан давлатнинг ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантириш;
- ҳудудлар ўртасида шартнома тизими асосида умумдавлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб беришга буюртмаларни жойлаштириш;
- солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ёрдамида ҳудудларнинг молиявий тартибга солинишини самарали йўлга қўйиш;

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2005 йил 11 апрелидаги Фармони. //Халқ сўзи. 2005 йил 12 апрель

- давлатнинг эркин иқтисодий минтақаларда бюджет-солиқ сиёсатини юритишнинг махсус режими самарадорлигини ошириш;
- ҳудудлар инвестицион жозибadorлигини ошириш орқали ҳудудлар солиқ имкониятларини яхшилаш тадбирларини ривожлантириш;
- ҳудудлар ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва давлат кафолатлари тақсимотидаги нотекисликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида инвестицион фаоллик орқали юзага келувчи қўшимча солиқ имкониятларидан ҳудудларнинг манфаатдорликларини ошириш ва ҳоказолар.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг чуқурлашиши маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги рўлини янада ошириб, молия-бюджет соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Маҳаллий бюджетлар салмоғининг ошиши устун равишда ҳаражатларнинг ошиб бориши билан боғлиқ, яъни давлат иқтисодни, ижтимоий инфратузилмани, ишчи кучини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатларни жойларга бериб бормоқда. Маҳаллий бюджетлардан давлат такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишда кенг фойдаланмоқда, маҳаллий бошқарув давлатнинг жойларда мақсадга мувофиқ бўлган вазифаларини бажаради.

2.2. Ижтимоий соҳани ривожлантиришда Давлат Дастурларининг ўрни

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш омиллари сифатида қабул қилинаётган мақсадли Давлат дастурлари, жумладан, 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили", 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб аталиши давлатимиз рахбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирдик.

"Обод турмуш йили" деб ном олган йилда қилган катта ишларимиз қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ, муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Бизнинг бу ишларимиз нафақат ён-атрофимизда, балки жаҳон ҳамжами-ятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида айни шу" масала бўйича, шунингдек, ноябрь ойида қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган дунёдаги етакчи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай уй-жойлар, инфратузилма объектлари билан танишиб, бу ишларга юкори баҳо берганидан хабарингиз бор, албатта.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиккан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Аввало, ана шу мақсадда иккита муҳим Қонун қабул қилинди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини тако-миллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йуллар ва йўлақларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бу қарор мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир.

Ўтган даврда кенг микёсли ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, "Соғлом она –соғлом бола" дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юкори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола САЛОМАТЛИГИНИ муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоқи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АКШ долларида зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йил-ларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуксонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистан дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган унта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусика ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш

бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 та спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавий ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир каторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваламбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутadi, бу масала хануз долзарблигича қолмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иктисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Сакқизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

"Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик

тарғиботига йўл қўймаслик-нинг таъсирчан ташкилий-ҳукукий механизмлари кўзда тутилади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлокий ва маънавий кадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмуш-ларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иш-тироқида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санаторий-курорт объектлари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 та маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истирохат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштирашга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга

кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта якка тартибдаги уйлар қурилади. Икки мингта ёш оплата уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма-бос-қич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомил-лаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини амраб олган профилак-тик вакцинация қилиш кўлами кенгай-тирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғлом-лаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив

саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливи-таминлар билан бепул таъминланади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

"Баркамол авлод" болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

"Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистонда барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан махрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-

босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, "Она юрт наволари" халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, "Энг ёш ихтирочи" танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди.

Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиа иловали дарсликлар бепул берилади.

Ёзги таътил даврида болаларнинг хордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгохларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги хайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарканд ва Фарғонада Тошкент хайвонот боғи филиалларининг очилиши Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва "Томоша" болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халкимизга хос бағрикенглик, мухтожларга кўмак бериш каби фазилят-ларни акс эттирувчи кўплаб тadbирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган oilалар фарзандларига 516,9 минг тупламдаги кишки кийим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилади. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган oilалар фарзандларини халкимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарканд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёхатлар, шунингдек, музейлар, хайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда "Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба" мавзусида халқаро форум ўтказилади. • Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни oilалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, oilаларга, биринчи навбатда, ёш oilаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандлари-

мизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халкимизга бўлган хурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

2.3. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари

Минтақавий сиёсат минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солиниши бўлиб, у ўз ичига ҳудудларни ривожлантириш ва тартибга солиш бўйича қабул қилинадиган қонунлар, қарорлар, чора-тадбирлар ва йўл-йўриқлар йиғиндиси ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини олади. Унинг ўрганиш объекти аҳолининг турмуш даражаси ҳамда яшаш шароитидаги, бандлик ва ишсизлик, алоҳида минтақанинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва тадбиркорлик фаолиятининг минтақавий тафовутлари ҳисобланади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси - мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига барча минтақаларнинг ривожланиш даражаси ва аҳоли турмуш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштиришдир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг 2 хил усули қўлланилади:

1) Адолатли усул - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра, мамлакат фуқаролари қайси минтақада яшашларидан қатъий назар уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

2) Самарали усул - умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли ҳолатларда бир-бирини тўлдирадиган бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ- Иқтисодий жихатдан ривожланган: АКШ, Канада, Япония, ва Еуропий Европа мамлакатларида иқтисодий сиёсатнинг адолатли усули кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда минтақавий сиёсатнинг самарали усули қўлланилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг биринчи навбатда бой

табiiй-иктисодий салоҳиятга эга минтақа ва шаҳарларнинг ривожланишига, минтақа иктисодий ривожланишидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Иктисодий ислохотларнинг натижаси сифатида саноатда содир бўлаётган минтақавий ва тармоқлараро ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. Агар 1990 йили мамлакатда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 60 фоизи Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда унинг деярли улуши икки бараварга қисқарди. 1997 йилдан бошлаб республикадаги бир қанча вазирлик ва идоралар тугатилиб, уларнинг қарамоғидаги корхона ва ташкилотлар маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтказиш жараёни бошланди. Бу эса минтақалар салоҳиятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келди. Кейинги йилларда турли вилоятлар орасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларнинг тафовутлари ўсиб бормоқда. Таҳлил маълумотларга кўра, бундай тафовутлар ЯХМ бўйича 2,8, саноат бўйича 12, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 7,6, қишлоқ хўжалиги бўйича 3, аҳоли даромадлари бўйича 4,2 мартани ташкил этади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларни саноат ва ижтимоий соҳаларга жалб этиш учун қишлоқ хўжалигидан 100 мингдан ортиқ киши бошқа соҳаларга жалб қилинди. Республиканинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш, фойдаланилаётган минерал хомашё ресурсларини ўзлаштириш мақсадида янги коммуникация иншоотлари қурилмоқда. Учқудуқ - Тўрткўл - Бойсун – Кумкўрғон темир йул линияларининг ишга туширилиши нафакат Сурхондарё вилояти, балки Қоррақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилоятида ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ҳамда шу минтақада урбанизация жараёнининг юксалишига сабаб бўлди.

Ўзбек моделининг энг муҳим ва устувор йуналишларидан бири - унинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш масаласини етакчи ўринга қўйгани билан бевосита боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси ўртача

йилига 389,1 минг кишидан кўпайди. Мамлакатимиз аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи қишлоқларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 5 мартага ортиди.

Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони - 1,35, шаҳар аҳолиси - 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 марта кўпайди. Айни вақтда ана шу даврнинг турли бос ичларида мамлакатимизда шаҳар ҳамда қишлоқ даражасида аҳоли сонининг кўпайиш суръати ҳар хил бўлганини кўзатиш мумкин. Жумладан, 2011 йилда 2007 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 55,4 фоизга кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 18,7 фоизга камайган. Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг барча минтақаларида аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган фаол сиёсат олиб борилиши натижасида беш йил ичида Ўзбекистан Республикаси бўйича кам таъминланган оилалар сони 25 фоиздан кўпроқ камайган бўлса, тайинланган моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 7,76 марта кўпайган.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳар бир аъзосини турмуш шaroитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз минтақавий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ана шу маънода аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфўзини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамай, сўнгги йилларда юқори ва барқарор

ўсиш суръатларини сақлаб, макроиктисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди.

Жумладан, 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси - 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион доллардан ошди²⁵.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллари қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётда солиқ юки пасайтирилаётгани ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётгани;

- корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсати юритилаётгани;

- молия-банк тизимига берилаётган эътибор ва унинг натижасида соҳанинг барқарор ривожланиб бораётгани;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, 18 январь, 2014 йил.

ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётгани. 2013 йилда республикада эришилган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари барча ҳудудлар учун тегишлидир. Агар Ўзбекистон бўйича ЯИМнинг ўсиши 8,0 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичдан юқори даражада ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши Тошкент ш. (110,2%), Андижон (108,4%), Наманган (110,0), Қашқадарё (104,5%) вилоятларида қайд қилинган. Иқтисодий ўсишнинг етарлича юқори суръатлари аксарият ҳолларда бу минтақаларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг динамик тарзда ривожланиши билан боғлиқ.

Барча минтақаларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ортди. Ҳисоб-китоблар ҳамда ҳудудларни бу кўрсаткич бўйича гуруҳлаш шуни кўрсатдики, юқори даражадаги гуруҳ (индекслар 1,000дан юқори) Тошкент ш. (1,768), Навоий (1,879) ҳамда Тошкент (1,064) вилоятларини қамраб олади. Ўртача ривожланиш даражасидаги иккинчи гуруҳга (индекс 0,500дан 1,000гача) 14 та ҳудуддан 8 таси кирди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича индекснинг кўтарилиши Бухоро (0,968дан 0,970гача), Қашқадарё (0,823дан 0,829гача), Андижон (0,620дан 0,682гача), Сирдарё (0,622дан 0,638 гача), Самарқанд (0,566дан 0,585гача) вилоятларида аввало хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ҳисобига эришилди. Кўпгина ҳудудларнинг иқтисоди таркибида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ижобий силжишлар рўй берди. Шу билан бирга ЯИМ таркибида Сурхондарё (43,2%), Жиззах (41,9%), Сирдарё (41,5%), Хоразм (37,7%), Наманган (37,0%) вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий ўринда турибди. Қорақалпоғистон Республикаси (8,4%), Жиззах (8,3%), Сурхондарё (8,1%), Наманган (7,4 %) вилоятларида саноатнинг улуши пастлигича қолмоқда.

2013 йилги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари минтақаларда 2010 йилга нисбатан юқори бўлди. Агар бутун мамлакат бўйича 106,8 % ни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида - 107,8%,

Самарқанд вилоятида - 116,3%, Андижон вилоятида - 109,3%, Қашқадарё вилоятида -99,2%, Наманганда эса - 114,9%га тенг бўлди. 14 та ҳудуддан 5 тасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатлари республика бўйича ўртача кўрсаткич даражасидан юқори бўлди. Бу асосан юқорида кўрсатиб ўтилган минтақаларда енгил ва озик-овкат маҳсулотлари, қурилиш материаллари саноатининг юқори ўсиш кўрсаткичлари билан боғлиқ.

Аҳоли жон бошига истеъмол молларини ишлаб чиқариш индекси 14 та ҳудуддан 7 тасида пасайди. У Қорақалпоғистон Республикасида (0,221 дан 0,233 гача), Навоий вилоятида (0,648 дан 0,719 гача). Наманган вилоятида (0,432 дан 0,445 гача), Самарқанд вилоятида (0,814 дан 0,833 гача). Сирдарё вилоятида (0,532 дан 0,581 гача), Тошкент вилоятида (1,113 дан 1,140 гача) ва Тошкент шаҳрида (2,060 дан 2,406 гача) кўтарилди. 14 та ҳудуддан 11 тасида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси республика даражасидан паст. Бу кўрсаткич бўйича энг юқори индекс Андижон вилоятида (2,183) юзага келди. Қорақалпоғистон Республикасида эса аҳоли жон бошига истеъмол товар ишлаб чиқариш Андижон вилоятига қараганда 8,4 марта кам.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида республика бўйича ўсиш суръатлари 106,8% ни ташкил этди. Бу даражадан юқори кўрсаткичлар: Андижон (107,8%), Қашқадарё (107,3%), Навоий (106,8%), Наманган (107,0%) вилоятларида юзага келди. Бу натижаларга асосан дон экинларини ўсиши туфайли эришилди.

Мамлакатимизга инвестициялар киритиш ҳажми 2013 йилги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 % иборат бўлди, вилоятларда юқори кўрсаткич кўзатилди. Республиканинг 14 ҳудуддан 7 тасида ўсишнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари амалга ошди. Андижонда (128,6 %), Жиззахда (117,3 %), Қашқадарёда (126,6 %), Сирдарёда (100,2 %), Тошкентда (98,0 %), Фарғона (108,4 %) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (126,5%) ни ташкил этди. Бу эса мана шу вилоятларга саноатни ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиш, хусусан, хизмат кўрсатиш объектларини қуришга инвестициялар йўналтирилганлиги билан боғлиқдир.

Инвестицияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳар, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида жамланган. Бу ҳудудлар ҳиссасига 2010-2013 йилларда йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 70 %дан ортиғига тўғри келади. Бу кўрсаткич бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё, Наманган вилоятларига тўғри келди.

Чакана товар айланиши ўсишининг суръатлари барча минтақаларда юқори бўлди. Республика бўйича товар айланмаси ўртача 113,9 % ўсган бўлса, Тошкент вилоятида - 111,4% ни, Сирдарёда - 111,8 %, Навоийда - 117,9 %, Бухорода - 113,1 %, Фарғонада - 114,2 %, Жиззахда -113,1% ва Самарқанд вилоятларида - 120,2 % ни ташкил этди. Бу вилоятларда чакана товар айланмаси ўсишининг суръатлари юқори бўлишига хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши туфайли хусусий сектор ва кичик тадбиркорликнинг фаоллашиши натижасида эришилди. Аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси индекслари Қорақалпоғистон Республикасида (0,443 дан 0,483 гача), Бухоро (0,931 дан 0,946 гача), Жиззах (0,554 дан 0,598 гача), Навоий (1,101 дан 1,180 гача), Самарқанд (0,631 дан 0,645 гача), Сирдарё (0,627 дан 0,696 гача), Тошкент вилоятларида (1,132 дан 1,194 гача) ошди.

2010-2013 йилларда пулли хизматлар ўсиш суръати мамлакат бўйича ўртача 114,3 % ни ташкил етди. Бундан юқори бўлган кўрсаткич Жиззах (104,9%), Қашқадарё (116,6%), Тошкент (115,0%), Наманган (116,8%) ва Фарғона вилоятларида (113,9%) кўзатилди. Ўсишнинг юқори кўрсаткичлари минтақаларда таълим ва соғлиқни сақлаш, йўловчиларни ташиш ҳамда алоқа ва Интернет хизматларининг барқарор ривожланиши билан белгиланди.

Аҳоли жон бошига пулли хизматлар ишлаб чиқаришнинг индекс баҳоланиши шуни кўрсатдики, 14 та ҳудуддан 8 тасида республика даражасига нисбатан пулли хизматлар индекси кўтарилди. 14 та ҳудуддан 12 тасида аҳоли жон бошига пулли хизматлар ишлаб чиқариши ўртача республика даражасидан паст белгиланди. Аҳоли жон бошига пулли хизматлар ишлаб чиқаришнинг энг юқори ҳажми қуйидаги ҳудудларга тўғри келди: Тошкент шаҳрига (1500 минг сўм), энг паст ҳажм кўрсаткичи

Сурхондарё вилояти (160,9 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (166,8 минг сўм) ва Жиззах (172,8 минг сўм)да кўринди. Истиқболда минтақавий ривожланиш йўналиши нафақат сақланиб қолиши, балки унинг суръати янада юқорироқ бўлиши кутилмоқда. Аҳоли турмуш даражасининг ошириш стратегияси асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришга кўра, иқтисодий ўсиш мамлакат ҳудудларини қамраб олиши, уларнинг иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида мавжуд фарқни камайтириши керак. Шу мақсадда ҳукуматимиз Ўзбекистон минтақаларини ривожлантиришнинг мақсадли дастури қабул қилинди. Мазкур дастурнинг мақсади - барча минтақа аҳолисининг турмуш тарзини иқтисоднинг баланслаштирилган ва дадил ўсиши ҳисобига яхшилаш кўзда тутилган.

Давлат органлари билан бирга жойларда унинг амалга оширилишини таъминлаши лозим. Бу дастур саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳудудларини ривожлантириш, шунингдек, маҳаллий минерал, қишлоқ хўжалиги хомашёлари, шунингдек, рекреация ресурси ва табиий-иқлим шароитларини имкон қадар назарда тутати. Кўрсатилган дастурлар янги иш ўрни яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурига узвий боғланган бўлиб, уни минтақавий дастурни амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 %дан ортиғи қишлоқ жойларида яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини янада юксалтириш учун фикримизча, юзага келган муаммо ва номутаносибликларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- минтақаларда табиий-иқтисодий имкониятдан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш;

- кичик бизнес, касаначилик ва бозор инфратузилмаси асосида бандликни ошириш;

- минтақаларга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини кенг жалб этиш;
- шаҳар ҳамда қишлоқларда юқори технологик ишлаб чиқаришни яратиш;
- қишлоқ жойларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда мақсадли ижтимоий дастурлар ҳамда лойиҳалар пакетини амалга ошириш;
- маҳаллий ҳукумат органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш, аҳолини тураржой билан таъминлаш ва шаҳарлар барпо этиш тизимини такомиллаштириш;
- минтақавий ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва бошқалар.

2.3.1- жадвал.

**Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг
ялпи ички маҳсулотидаги улуши²⁶**

(фоиз ҳисобида)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	3,3	3,2	3,3	3,4	3,5	3,5	3,0	2,9	2,8	2,3
Вилоятлар:										
Андижон	6,9	6,6	7,0	7,2	7,0	5,7	5,7	5,5	5,9	6,3
Бухоро	6,1	6,1	6,4	6,6	6,9	6,4	6,9	6,3	6,0	5,6
Жиззах	3,3	3,1	3,2	3,2	2,9	2,7	2,5	2,5	2,5	2,2
Қашқадарё	7,6	7,5	8,3	8,9	8,7	9,8	10,6	9,4	8,9	7,8
Навоий	5,6	5,7	6,9	7,5	6,7	6,9	6,1	6,1	5,8	5,3
Наманган	4,8	4,6	4,5	4,5	4,3	4,0	4,1	4,1	4,1	3,9
Самарқанд	7,6	7,2	7,3	7,4	7,1	6,4	6,1	6,4	6,3	6,2
Сурхондарё	5,0	4,7	4,5	4,6	4,3	3,9	3,7	1,0	4,1	3,8
Сирдарё	2,4	2,4	2,5	2,5	2,3	2,0	1,9	2,0	2,1	1,6
Тошкент	10,3	10,5	11,4	11,8	12,1	10,4	10,0	10,3	10,6	9,6
Фарғона	9,1	8,9	8,9	8,9	9,4	8,3	7,6	7,1	7,2	6,8
Хоразм	3,8	3,9	3,7	3,8	3,7	3,2	3,1	3,3	3,3	3,0

²⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013.

Тошкент ш.	12,3	12,3	11,9	13,3	14,2	13,8	13,6	13,7	14,3	14,7
------------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------

2.3.2-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот²⁷

(минг сўм)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	385,0	474,0	608,5	797,5	1049,2	1427,3	1778,2	2184,3	2684,6	3244,0
Қорақалпоғистон Республикаси	207,8	247,1	333,2	451,0	627,3	851,6	912,6	1095,0	1315,6	1317,3
Вилоятлар:										
Андижон	295,1	346,1	475,2	632,4	808,6	901,3	1117,0	1325,7	1715,3	2210,9
Бухоро	407,9	500,9	669,1	904,4	1249,8	1591,7	2139,4	2366,9	2767,8	3145,5
Жиззах	314,6	370,2	481,9	629,1	753,3	966,0	1105,8	1358,2	1642,1	1767,9
Қашқадарё	325,2	392,6	552,8	773,9	989,3	1505,2	2025,2	2196,3	2535,6	2688,2
Навоий	684,5	870,3	1354,8	1934,1	2289,9	3227,1	3583,0	4448,8	5201,5	5736,7
Наманган	234,6	274,7	342,6	444,1	568,3	717,5	895,0	1111,9	1354,6	1540,9
Самарқанд	266,5	309,9	400,7	529,7	675,5	823,5	971,8	1244,0	1500,3	1793,8
Сурхондарё	264,9	304,9	379,3	505,5	618,2	760,8	894,0	1163,8	1472,4	1640,2
Сирдарё	354,0	437,6	578,9	790,8	946,6	1140,9	1354,6	1738,6	2250,8	2069,9
Тошкент	417,2	529,6	740,0	1008,7	1364,7	1596,3	1928,7	2463,1	3135,8	3450,4
Фарғона	323,1	386,3	496,2	648,7	895,5	1075,9	1231,1	1406,8	1746,9	1973,5
Хоразм	266,2	339,9	412,4	547,8	697,6	827,2	992,1	1301,5	1625,0	1794,5
Тошкент ш.	564,8	704,8	884,9	1307,4	1842,8	2449,4	3016,7	3782,4	4898,1	6095,7

²⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

2.3.3- жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ўсиш суратлари²⁸

(ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	103,0	106,2	105,7	106,1	107,9	107,3	106,2	105,4	105,4	106,6
Қорақалпоғистон Республикаси	106,8	104,4	106,5	107,3	107,0	106,4	106,6	108,6	108,5	111,7
Вилоятлар:										
Андижон	100,6	103,2	108,7	108,5	108,9	109,3	108,5	107,2	109,2	106,7
Бухоро	100,8	106,1	108,6	104,3	108,4	103,0	102,4	107,3	107,9	106,4
Жиззах	108,9	107,4	107,3	106,5	106,2	106,4	104,2	108,5	108,4	106,3
Қашқадарё	103,8	100,6	106,1	105,2	107,3	109,0	105,9	100,1	103,5	102,5
Навоий	101,3	105,6	101,7	105,0	103,2	103,7	102,1	102,7	106,2	103,6
Наманган	102,2	104,9	105,5	106,2	107,9	106,9	105,4	110,2	107,7	108,2
Самарқанд	105,5	104,0	104,6	107,5	109,4	105,9	104,5	109,8	109,4	108,9
Сурхондарё	102,0	104,0	103,8	108,2	105,9	103,1	104,3	109,8	108,7	106,9
Сирдарё	101,5	107,1	110,4	106,5	103,2	106,6	104,7	109,9	108,2	108,2
Тошкент	102,2	108,5	103,0	107,6	107,7	101,5	104,2	110,8	106,4	104,1
Фарғона	100,6	102,5	105,0	104,9	104,5	104,2	102,2	102,6	105,6	104,6
Хоразм	102,4	111,6	101,8	105,7	104,4	104,2	105,0	107,0	107,7	108,0
Тошкент ш.	104,0	106,3	106,4	108,9	117,4	117,3	106,8	111,0	109,6	109,1

²⁸Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

2.3.4- jadval

Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ўрта Махсус, Касб-Хунар таълим муассасалари ва улардаги ўқувчилар сони²⁹

(ўқув йили бошига)

	Ўрта Махсус, Касб-Хунар таълим муассасалари									
	2003/2004	2004/2005	2005/2006	2006/2007	2007/2008	2008/2009	2009/2010	2010/2011	2011/2012	2012/2013
Ўзбекистон Республикаси	682	892	955	1052	1192	1334	1507	1539	1540	1551
Қорақалпоғистон Республикаси	54	77	78	83	85	96	100	101	101	101
Вилоятлар:										
Андижон	62	74	83	97	105	116	129	129	129	129
Бухоро	37	47	49	54	62	72	88	88	88	88
Жиззах	31	36	39	44	52	62	78	79	79	79
Қашқадарё	48	66	73	79	96	112	132	137	137	143
Навоий	21	29	32	36	40	48	51	51	51	51
Наманган	61	67	75	86	98	109	117	118	118	118
Самарқанд	58	80	88	104	130	146	170	172	172	174
Сурхондарё	42	61	67	71	79	91	108	120	120	121
Сирдарё	28	32	33	36	42	49	52	52	52	52
Тошкент	53	72	77	79	90	102	119	125	126	126
Фарғона	64	81	89	101	117	129	152	156	156	157

Хоразм	39	61	63	67	78	84	91	91	91	91
Тошкент ш.	84	109	109	115	118	118	120	120	120	121

²⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

2.3.5- жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Касб-Хунар коллежлари ва улардаги ўқувчилар сони³⁰

(ўқув йили бошига)

	Касб-Хунар коллежлари									
	2003/2004	2004/2005	2005/2006	2006/2007	2007/2008	2008/2009	2009/2010	2010/2011	2011/2012	2012/2013
Ўзбекистон Республикаси	533	827	878	953	1073	1206	1368	1396	1398	1408
Қорақалпоғистон Республикаси	45	72	72	76	78	88	91	91	91	91
Вилоятлар:										
Андижон	54	69	76	86	94	104	117	117	117	117
Бухоро	29	45	45	49	57	67	80	80	80	80
Жиззах	26	34	37	41	49	58	74	75	75	75
Қашқадарё	44	62	69	73	89	105	125	130	130	136
Навоий	17	27	29	32	36	44	47	47	47	47
Наманган	58	64	71	81	90	98	106	107	108	108
Самарқанд	48	75	81	93	116	132	156	158	158	160
Сурхондарё	37	59	65	69	76	88	103	115	115	116
Сирдарё	22	30	31	34	39	45	48	48	48	48
Тошкент	32	68	73	75	86	97	113	1199	120	120

Фарғона	55	78	84	93	108	120	141	144	144	145
Хоразм	35	59	60	65	74	80	86	85	85	85
Тошкент ш.	31	85	85	86	81	80	81	80	80	80

³⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

III-БОБ МИНТАҚАНИ ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Умумий майдони 6100 кв.км, иқлими континентал, киши ўртача совуқликда, ёзи қуруқ ва иссиқ.

Вилоят аҳолиси 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 1654,1 минг кишини ташкил этади, бунда аҳолининг тахминан 70 % марказдан узоқда истиқомат қилади. Вилоят ҳудуди ўн та маъмурий ҳудудга бўлинган, маъмурий маркази – Урганч шаҳри.

Вилоятга бўй сунувчи шаҳарлар қаторига Хива ва Питнак киради. Аҳоли зичлиги 1 кв.км.га 261 киши бўлиб, унинг 33,7 % шаҳарда, 66,3% қишлоқларда яшайди.

Вилоятда 3 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, 10 та туманлар, 58 та шаҳарча, 98 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 559 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд.

Вилоят аҳолиси яшайдиган жойлар шаҳар ва қишлоқларга бўлинади. Бундан ташқари шаҳар типигаги шаҳарчалар деган тушунча ҳам бор. Буларга кўпчилик туман марказлари, темир йўл станциялари, юкларни қабул қилувчи ва жўнатувчи пунктлар киради. Вилоятда шаҳар типигаги шаҳарчаларга Гурлан, Шовот, Қўшқўпир, Янгибозор, Янгиарик, Хазорасп, Боғот, Қоравул, Хонқа каби шаҳар типигаги шаҳарчалар киради.

Вилоятда 27 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 27 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 13 таси енгил саноат корхонасига қарашлидир.

Вилоятда тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш дастурига кўра саноатни қайта жиҳозлаш, коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада яхшилаш ва уларнинг қайта ишлашини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳамда сайёҳликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 24 та замонавий меҳмонхоналар фаолият олиб бормоқда.

Автомобиль йўлларининг узунлиги 2296 километрни, шундан қаттиқ қопламли йўллар 2218 км.ни ташкил қилади.

Вилоятда халқаро классдаги аэропорт бўлиб, ҳозирда турли йўналишлар бўйича ҳаво йўллари билан боғланган.

Вилоятда замонавий телефон тармоқлари, коммуникация системалари (алоқа, пейджер, модем ва уяли телефон) радио ва телевидение мавжуд.

Вилоятда асосан аграр соҳа ривожланган бўлиб, йилига 280-290 минг тонна яъни республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 7 фоизини ишлаб чиқаради.

3.1.1- жадвал

Хоразм вилояти аҳолисининг сони ва таркиби тўғрисида маълумот³¹

2013 йил январь ҳолатига

Т/р	Шаҳар ва туманлар	Жами аҳоли сони (минг киши)	шу жумладан		2012 йилда		100 ёшдан ошган кексалар	Мактабгача ёшдагилар сони	Мактаб ўқувчилари сони	Коллеж ва лицей ўқувчилари сони
			эркаклар	Аёллар	турмуш қурганлар	ажрашганлар				
	Вилоят бўйича	1 653,8	824,4	829,4	11 959,0	428,0	173	242 784	262 381	91 739
1	Урганч шаҳри	136,7	68,3	68,3	950	95	14	20062	26493	16 798
2	Боғот тумани	144,0	70,8	73,2	1002	22	15	21140	24550	7 735
3	Гурлан тумани	131,9	66,5	65,4	898	31	13	19368	21867	6 185
4	Қўшқўпир тумани	150,5	75,9	74,6	1242	34	16	22088	22041	6 604
5	Урганч тумани	171,6	85,2	86,4	1225	61	18	25192	20239	6 418
6	Хазорасп тумани	219,2	108,4	110,8	1543	41	23	32176	35837	12 774
7	Хонқа тумани	163,8	82,5	81,3	1123	41	17	24046	26594	7 883
8	Хива тумани	208,8	102,9	105,8	1442	47	22	30648	34171	12 342
9	Шовот тумани	147,9	73,7	74,2	1188	25	16	21708	23238	6 504
10	Янгиариқ тумани	102,4	51,8	50,6	750	16	11	15039	15161	5 143
11	Янгибозор тумани	77,1	38,3	38,8	596	15	8	11317	12190	3 353

³¹ Манба: Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Хоразм вилояти ижтимоий-маданий ва коммунал инфратузилма объектлари тўғрисида маълумот
2013 йил 1 январ ҳолатига

№	Шаҳар ва туманлар номи	Мактаблар		Боғчалар		Коллежлар		Лицейлар		Болалар шаҳарчаси		Касалхоналар	
		Сони	Тарбияланувчи сони	сони	Тарбияланувчи сони	сони	Тарбияланувчи сони	сони	Тарбияланувчи сони	Сони	тарбияланувчи сони	сони	Доваланувчи
	Вилоят бўйича	531	262381	260	20 025	85	86 093	6	5 646	1	30	33	260689
1	Урганч шаҳри	34	26493	32	5 028	12	12 972	4	3 826	1	30	15	88407
2	Боғот тумани	49	24550	20	933	7	7 735					1	15991
3	Гурлан тумани	43	21867	30	1 536	7	6 185					2	17450
4	Қўшқўпир тумани	54	22041	26	1 817	7	6 604					1	19040
5	Урганч тумани	42	20239	24	1371	8	6 418					5	26220
6	Хазорасп тумани	69	35837	19	1607	8	11 856	1	918			2	19771
7	Хонқа тумани	53	26594	30	2154	9	7 883					1	12813
8	Хива тумани	60	34171	23	1501	10	11 440	1	902			2	21665

9	Шовот тумани	54	23238	24	1 717	6	6 504					1	20818
10	Янгиариқ тумани	40	15161	15	1 278	6	5 143					1	8704
11	Янгибозор тумани	33	12190	17	1 083	5	3 353					2	9810

³² Манба: Хоразм вилояти статистика бошқармаси

3.1.3-жадвал

**Хоразм вилоятининг 2011-2012 йилларда асосий иқтисодий ва
ижтимоий кўрсаткичлари³³**

	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2011 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	2945,8	109,8
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	796,8	111,4
Истеъмол товарлари	млрд. Сўм	445,9	112,5
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. Сўм	1486,8	108,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. Сўм	657,4	106,3
Қурилиш ишлари	млрд. Сўм	481,8	115,2
Юк айланмаси	млн. тн.км	1133,3	112,3
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи.км	3830,9	108,8
Чакана товар айланмаси	млрд. Сўм	1560,7	108,8
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	млрд. Сўм	547,7	111,8
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	233,6	80,2
Экспорт	млн. АҚШ долл.	155,3	75,3
Импорт	млн. АҚШ долл.	78,4	92,2


³³ Манба: Хоразм вилояти статистика бошқармаси

2012 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 2945,8 млрд. Сўмни ташкил қилади. ЯҲМнинг реал ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 109,8 фоизни ташкил қилган.

3.1.1-диаграмма.

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби³⁴

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



³⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

2012 йилда рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 10501 тани ташкил қилди. Ўтган 2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,8 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2011 йилда 74,1 фоиз), шу жумладан 37,6 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар ва 14,5 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандларнинг 80,0 фоизи (514,7 минг киши) бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми 56,2 фоизи (361,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда 23,8 фоизи (153,2 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 14,2 фоизга ўсган ва 274449,2 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 34,6 фоизи), қишлоқхўжалик маҳсулоти 7,6 фоизга ўсиб, 1423220,0 млн.сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95,7 фоизи) ташкил қилди.

Иқтисодиётда асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 49,6 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, қурилиш ишларининг 83,8 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 5,8 фоизга ошди ва вилоят автомобил транспорти юк айланмасининг 79,9 фоизини, йўловчи айланмаси эса 1,4 фоизга кўпайиб, умумий йўловчи айланмасининг 93,2 фоизини ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 38,9 фоизи ёки 606336,1 млн. сўми (ўсиш фоизни 99,8 ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 55,1 фоизи ёки 289826,8 млн. сўми (1,6 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Кичик бизнес субъектлари, 2012 йилнинг январь-декабрь ойларида 15716,4 минг АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 10,1 фоизи миқдорида маҳсулот экспорти ва 72093,6 минг АҚШ доллари ёки умумий


импортнинг 92,0 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

3.1.2-диаграмма.

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши³⁵

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



³⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

3.1.4-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши³⁶

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) улуши, % ҳисобида
Саноат	274449,2	34,6
Қишлоқ хўжалиги	1423220,0	95,7
Қурилиш	403602,8	83,8
Чакана савдо	606336,1	38,9
Пуллик хизмат	289826,8	55,1
Юк ташиш	33467,5	79,9
Йўловчи ташиш	341811,2	93,2
Экспорт, минг. АҚШ долл.	15716,4	10,1
Импорт, минг. АҚШ долл.	72093,6	92,0

³⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 268,5 млрд. сўм ёки 70,2 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2012 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 689,9 минг кв. м бўлган 3914 та уй-жой (2011 йил январь- декабрига нисбатан 114 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 619,8 минг кв.м. (108,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактаблари қошидаги спорт иншоатлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилишида 6,4 млрд. сўм инвестициялар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 25,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 134,3 км ўзунликдаги ичимлик суви, 48,0 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан мос равишда 116 фоиз ва 86,4 фоизни ташкил қилди.

Ишга туширилган умумий ичимлик суви тармоқлари 116 фоизи ва газ тармоқларининг 82,7 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 17311,5 млн. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари 14972,5 млн. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобига 496,1 млн. сўм, корхона маблағлари 1842,9 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига 755,1 млн. сўм, шундан барчаси аҳоли маблағлари ҳисобига инвестициялар ўзлаштирилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1653,8 минг кишини ташкил ва 2012 йил бошига 24,7 минг кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2012 йилнинг январь-декабрь ойларида қуйидагича ифодаланади:

3.1.5-жадвал

Хоразм вилоятида аҳолининг табиий ҳаракати³⁷

2013 йил 1 январь ҳолатига

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2011й.	2012й.*)"	ўсиш, камайиш (-)	2011й.	2012й.*)"
Туғилганлар	35116	34876	-240	21,7	21,2
Ўлганлар	7084	7576	492	4,4	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар	417	422	5	0,4	0,4
Табиий ўсиш	28032	27300	-732	17,4	16,6
Никоҳлар	16092	16687	595	10,0	10,2
Ажралишлар	557	580	23	0,3	0,4

³⁷ Манба: Хоразм вилояти статистика бошқармаси

*) Баҳо

**) 1000 туғилганларга

2012 йил январь-декабрь ойлари мабойнида туғилганлар сони 34792 кишини ташкил қилди ва 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайди, туғилиш коэффициенти 21,7 промилледан 21,2 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши Янгибозор (2,0 промиллега) туманида, Урганч шаҳрида (1,2 промиллега), Гурлан (0,6 промиллега), Урганч (0,5 промиллега) туманларида юқори даражаси кўзатилди.

2011 йилнинг шу даврига нисбатан ўлганлар сони 515 кишига ёки 4,6 фоизга кўпайган. Ўлганлар сонининг кўпайиши Янгиариқ (0,6 промиллега), Боғот (0,5 промиллега), Қўшқўпир (0,5 промиллега), Хонқа (0,4 промиллега) туманларида кўзатилди.

2012 йилнинг январь-декабрь ойлари мабойнида 16687 никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 580 тани ташкил қилди. Минг аҳолига 10,2 никоҳ ва 0,4 ажралишлар тўғри келмоқда (2011 йил январь-декабрь ойларида мос равишда 10,0 ва 0,3).

Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2011 йилга нисбатан 102,3 фоизга кўпайиб, 922,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 55,7 фоизини ташкил қилган.

Иқтисодий фаол аҳоли сони 680,6 минг кишини ташкил этади ва 2011 йилга нисбатан 102,9 фоизга кўпайган, шу жумладан 643,4 минг киши ёки иқтисодий фаол аҳолининг 94,5 фоизи иқтисодиётда банд бўлган.

2012 йилда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 37,2 минг фуқаро мурожаат қилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 минг кишига кўпдир.

Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг 2013 йил 1 январь ҳолатига 340 киши ёки 0,9 фоизи ишсиз деб эътироф этилган.

3.2. Хоразм вилоятида бандлик Дастурларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида бошқа манфаатдор вазирликлар, тармоқларнинг хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар билан биргаликда Дастурнинг барча йўналишлари бўйича мамлакат минтақаларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Натижада мамлакат бўйича 2013 йилда 980,2 мингта иш ўрни ташкил этилиши таъминланган ва прогноз параметрлари 100,8 фоизга бажарилган (Дастурга мувофиқ 2013 йилда 972,7 мингта иш ўрни ташкил этиш белгиланган). Уларнинг 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилган(3.2.1 жадвал).

Хусусан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 59,3 мингта, тижорат банклари томонидан 6 981,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган ва кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 368,7 мингта, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эса 117,5 мингта иш ўрни яратилган.

3.2.1. жадвал

Иқтисодиётда бандларнинг Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши³⁸ (минг киши)

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Ўзбекистон Республикаси	9589,0	9910,6	10196,3	10467,0	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12223,8
Қорақалпоғистон Республикаси	509,4	522,5	533,9	542,7	551,1	561,0	570,9	580,8	590,0	600,2
Вилоятлар:										
Андижон	892,3	924,7	954,8	985,1	1014,7	1047,3	1079,1	1112,0	1144,7	1176,3

Бухоро	627,0	649,2	668,6	688,4	707,9	729,1	749,5	768,1	784,7	804,4
Жиззах	312,4	323,2	332,5	341,6	350,9	360,6	370,7	381,6	392,4	402,9
Қашқадарё	770,5	796,4	821,7	850,0	877,8	908,7	940,2	971,6	1003,7	1036,6
Навоий	354,5	367,1	376,6	383,2	389,8	396,7	402,3	407,9	413,4	418,5
Наманган	652,6	673,2	693,7	716,0	738,0	763,2	788,9	815,3	841,7	872,1
Самарқанд	981,6	1016,4	1050,1	1083,2	1115,7	1152,0	1190,2	1229,9	1269,8	1314,4
Сурхондарё	611,1	632,1	651,7	673,9	696,6	722,4	752,1	784,4	817,7	843,0
Сирдарё	264,9	273,3	280,1	288,0	296,1	304,1	311,7	319,9	327,5	334,8
Тошкент	952,8	984,61	1015,4	1042,4	1068,6	1097,5	1125,6	1155,4	1183,4	1215,5
Фарғона	1095,3	1133,6	1170,6	1206,4	1241,3	1280,1	1311,7	1340,4	1367,6	1398,8
Хоразм	490,4	506,6	522,3	538,0	553,6	571,1	588,2	606,7	625,2	643,4
Тошкент ш.	1074,2	1107,7	1124,3	1127,2	1132,4	1140,8	1146,5	1153,8	1156,7	1162,2

³⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

Касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 220,4 мингта иш ўрни яратишга эришилган.

Қишлоқ хўжалигини ва унинг таркибидаги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчиликка, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослашган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш 126,9 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган.

Яратилган иш ўринларининг салмоқли қисми Самарқанд (94,4 минг), Фарғона (93,2 минг), Қашқадарё (89,4 минг), Тошкент (87,4 минг), Андижон (80,3 минг), Наманган (75,6 минг), Бухоро (74,4 минг) вилоятлари, Хоразм (59,7 минг) ва Тошкент шаҳри (82,6 минг) хиссасига тўғри келади.

Мамлакатнинг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган 28 та тумани алоҳида назоратга олиниб, 2013 йилда мазкур туманларда 127,7 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан уларнинг тегишли корхоналарга ишга жойлаштирилишини назарда тутадиган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган. Натижада 2014 йил 10 январь ҳолатига битирувчиларнинг 417,2 минг нафари ёки 83,2 фоизининг бандлиги таъминланган.

Аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. 2013 йилда захираноланган (квоталанган) иш ўринларига 5,5 минг нафар ногирон, 21,6 минг нафар ёш болали ишламайдиган аёл, 4,2 минг нафар муддатли харбий хизматдан бўшатирилганлар, 3 минг нафардан зиёд жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар ишга жойлаштирилган. Тегишли мутахассисликлар бўйича 9 минг нафар ишсиз фуқаронинг касбий тайёргарлиги амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 1282 та бўш иш ўринлари ярмаркаларида 82 минг нафар фуқаро ишга йўлланма олган, 229 минг нафар фуқаро банддик ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича маслаҳатлар олган.

Аҳолини бўш иш ўринлари, айниқса 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида яратиладиган иш ўринлари тўғрисида ҳабардор қилиш, ишсизлик бўйича нафақаларни тўлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларда очиқлик ва ошкораликни таъминлашга эътибор қаратилади

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини рўёбга чиқаришнинг бориши хусусида зарур ахборотни аҳолига ўз вақтида етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш чораларини кўрилади;

ишсизларни, биринчи навбатда ёшларни, хотин-қизларни, имконияти чекланган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича, жумладан уларни касбий

кайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, айниқса, транспорт, йўл ёқаси ва ижтимоий инфратузилма объектлари, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишидаги ишларга жалб қилиш бўйича кўшимча чораларни амалга оширилади;

2014 йилда иш ўринлари яратишда тегишли ҳудудларда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, кичик бизнес корхоналари, касаначилик, оилавий тадбиркорликни, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш, вақтинча ишламаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга алоҳида эътибор қаратилади;

Хоразм вилоятида 2013 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури асосида 60 мингдан зиёд иш жойлари ташкил этилиб, режа 103 фоизга бажарилган. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 46274 та (80,2 фоиз) иш ўринлари яратилган, қишлоқ жойларида ҳам 47338 тадан кўп иш ўринлари очилган (82,2 фоиз).

Вилоят ҳокимлигида ҳар ойда ўтказилган фаолларнинг йиғилишларида, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чораклик, ярим йиллик якунлари бўйича ўтказилган йиғилишларида таҳлилий маълумотлар асосида Дастур ижроси муҳокама қилиб борилган.

Натижада Дастурга биноан 2013 йилда яратилиши лозим бўлган 60038 та иш ўрнини яратилиб, бу борадаги прогноз параметрлари 103,9 фоизга бажарилган.

Яратилган иш ўринларининг 9471 таси (19,7 фоиз) кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш, шунингдек, мазкур субъектларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини кўпайтириш ҳисобига тўғри келган.

Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш натижасида яратилган иш ўринларининг 924 таси саноатни ривожлантириш, 1563 таси қурилиш-пудрат ишларини, шу жумладан уй-жой қурилиши ва

таъмирланиши кўламини кенгайтириш ҳисобига тўғри келган. Яратилган иш ўринларининг 74 фоизи хизмат кўрсатиш, сервис, умумий овқатланиш тармоғини кенгайтириш ҳисобига тўғри келган. Вилоятда 741 та хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга туширилгани ҳисобидан 6984 та янги иш ўрни яратилган.

Вилоятда яратилган иш ўринларида тадбиркорлик субъектларининг улуши катта бўлиб, айнан тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 5228 та иш ўрни яратилган.

Касаначилик, хунармандчилик ва уй меҳнатини ривожлантириш ҳисобига 15075 та иш ўрни ташкил этилган.

Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, баликчилик ва бошқалар) ҳисобига 13857 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 2160 та, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 485 та иш ўрни барпо этилган;

Яратилган жами иш ўринларининг 43 мингдан зиёди ёки 90,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилган.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири шундаки, вилоятда 5407 та хонадонда 528.8 минг парранда парвариши йўлга қўйилган ва 5407 та иш ўрни яратилган. Уй меҳнатининг оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва халқ амалий санъатини тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш натижасида 9831 кишининг бандлиги таъминланган. Қишлоқ ва маҳаллаларда 561 нафар ёшлар уста-шогирд анъаналари асосида касб-хунарга ўргатилган.

Жорий йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 3.2 млрд.сўм кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 7,5 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилган, натижада 1190 иш ўрни яратилган.

Вилоятда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида қаратган. Жорий йилда вилоятдаги касб-хунар коллежларини тамомлаган 29447 нафар битирувчининг 60,9 фоизи ишга жойлаштирилган.

Шу билан бирга Дастур ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган, ХАЛ ҚИЛИНИШИ лозим бўлган долзарб масалалар юзага келган.

Хусусан Урганч шаҳар, Янгиарик, Гурлан туман хокимликларининг доимий фаолият кўрсатувчи ишчи комиссиялари томонидан иш ўринлари ташкил этиш манзилли рўйхатларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ўз вақтида яқунланмаганлиги, юзага келаётган муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этишда кўмаклашишга етарли эътибор берилмаганлиги, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмагани оқибатида шу йилнинг тўққиз ойида Урганч шаҳрида 2013-2015 йилларда саноат салоҳиятини ошириш дастури бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тармоқ жадвалидан орқада қолган.

Дастурнинг деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш прогноз параметрлари 97,9 фоизга бажарилган. Прогноз параметрлари Хива туманида 33,3 фоизга бажарилган. Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш параметрлари Янгиарик туманида 96,2 фоизга бажарилиб, белгиланган вазифаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Гурлан туманида Дастурга киритилган **кичик** корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш йўналишида хусусий корхоналар томонидан 3 та иш ўрни яратилмаган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, **2012-2013** ўқув йилида мазкур таълим муассасаларини тамомлаган битирувчиларнинг **11502**

нафари ханузга қадар барқарор иш жойлари билан таъминланмаган. Айниқса Урганч шаҳрида **12278** нафар, Хазорасп туманида **1927** нафар, Хива туманида **1741** нафар битирувчининг шу кунга қадар иш билан таъминланмаганлиги мазкур ҳудудларда мавжуд имкониятларнинг тўлиқ сафарбар қилинмаётганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоятимизда 36,6 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар мавжуд.

Вилоятда 2014 йилда 29,7 минг нафар ёш касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаётган ихтисосликлари бўйича иш ўринлари ташкил қилишга эътибор қаратилиб, 2013-2015 йилларда саноатни ривожлантириш, ҳудудий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис, бўш объектларни ишга тушириш, маҳаллийлаштириш ва бошқа қатор дастурларни амалга ошириш ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашни инобатга олган ҳолда 60 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Дастурнинг биринчи йўналишида: саноат дастури, инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва қайта қуrolлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 2383 та иш ўринлари яратилади.

Иккинчи йўналишида: кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 12587 та, шундан саноатда 13336 та, қурилиш-пудрат ишларини кенгайтиришда 2025 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 9199 та иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

Учинчи йўналишида: якка ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 6857 та иш ўринлари ташкил қилинади.

Тўртинчи йўналишида: уй меҳнاتини ривожлантириш, биринчи навбатда корхоналар билан кооперацияга асосланган меҳнат шартномалари бўйича миллий ва халқ ҳунармандчилиги ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 19462 иш ўринлари яратиш кўзда тутилган;

Бешинчи йўналишида: фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, яъни паррандачилик, асаричилик, балиқчилик, полиз экинлари ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган ихтисослаштирилган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига 15839 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Олтинчи йўналишида: ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, замонавий архитектура талабларига мос келадиган уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, телекоммуникация тармоқлари ва ускуналарини модернизациялаш ва ривожлантириш ишларини кенгайтириш ҳисобига 2414 та иш ўринлари;

Еттинчи йўналишида: ишламасдан турган 82 та корхоналар, шу жумладан, тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича аниқ чоралар кўриш натижасида 625 та янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланган.

Бизнинг фикримизча, дастурни амалга оширишда Давлат ва ҳудудий дастурларига мувофиқ янги объектларни ишга тушириш, корхоналарнинг мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш жумладан, қишлоқ жойларда уй-жойларни таъмирлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни ташкил этиш, уй меҳнатини ва фермер, деҳқон хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик ва иссиқ хоналарни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларни доимий равишда таҳлил қилиб, шаҳар ва туманлар, вилоят кенгашлари депутатлари, ўз ҳудудлари бўйича ишлаб чиқилган янги иш ўринлари яратиш дастурларини бажарилишига, дастурга кирган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда, иш ўринлари яратишда юзага келган муаммоларни ечишда доимий ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур.

Вилоят, шаҳар туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар дастурда белгиланган янги иш ўринлари яратиш параметрларини мониторингини доимий равишда олиб боришлари ҳамда, дастурга кирган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда, иш ўринлари яратишда юзага келган муаммоларни ечишда доимий ҳамкорликни йўлга қўйишлари, дастурнинг бажарилиши тўғрисида мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ахборот бериб боришлари зарур.

3.2.2.-жадвал

Хоразм вилоятида 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурнинг асосий кўрсаткичлари³⁹

Йўналишлар	Жами	Шу жумладан маҳаллалар бўйича										
		Урганч ш.	Богот т.	Гурлан т.	Қўшқўпир т	Урганч т.	Хазорасп т.	Хонқа т.	Хива т.	Шовот т	Янгиариқ т	Янгибозор т
Жами яратилган иш ўринлар	60167	5563	5891	5115	6208	5859	6732	5550	6585	5324	3890	3450
Шу жумладан:												
1. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш	2383	549	185	60	0	269	290	55	195	430	250	190
2. Кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш	12587	2171	951	1150	1224	1277	1253	888	1335	898	700	740
Шулардан:												
2.1 Саноатда	1336	214	85	129	107	102	134	171	150	70	129	45
2.2 Қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй-жой қўрилиши ва таъминлаш	2052	240	200	215	177	126	177	177	231	216	216	77
2.3 Хизмат курсатиш ва сервис	9199	1717	666	806	940	1049	942	540	954	612	355	618
3. Якка ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш	6857	731	370	545	658	708	807	1111	761	563	305	298
4. Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш	19462	1580	1025	1801	2270	1721	2451	2100	2216	2040	1198	1060
4.1 шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида қасаначилик	1591	295	140	141	144	173	130	77	258	110	48	75

5. Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	15839	0	3170	1302	1838	1486	1586	1310	1616	1104	1357	1070
6. Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	2414	440	160	178	157	309	287	62	380	224	65	152
7. Ишлаган турган корхоналар фаолиятини тиклаш	625	92	30	79	61	89	58	24	82	65	15	30
Иш ўринлари таркиби												
1. Айоллар учун	26902	2347	2715	1042	2918	2493	2591	2425	2995	2879	1872	1725
2. Ёшлар учун (15 ёшдан-30 ёшгача)	28128	1664	2116	2830	2607	1985	2827	2442	3734	3713	2140	2070
2.1 шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун	16937	1443	2475	751	1476	1109	1211	1792	3470	1427	1168	615
3. кишлоқ жойларда	36177	0	2181	5115	2669	2667	3500	4489	4940	3972	3194	3450
4. Квоталанган (захиранланган) иш ўринлари	2910	315	275	226	232	419	367	300	320	192	170	94

³⁹Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. Тошкент, 2013

3.3.Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишлари

Хоразм вилоятида 2014 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар параметрлари, ижтимоий соҳа бюджет ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари негизида вилоят маҳаллий бюджети шакллантирилган.

Шу асосда:

- ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг 10,5 фоизга;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 16,0 фоизга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 5,5 фоизга;
- капитал қуйилмалар ҳажмининг 9,2 фоизга;
- чакана савдо айланмасининг 11,8 фоизга;
- хизмат кўрсатиш ҳажмининг 16,7 фоизга ошиши прогноз қилинган.

2014 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси иқтисодиётни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ва келгуси йилда солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган.

а) солиқ сиёсатини такомиллаштириш соҳасида:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизгача пасайтириш, бу уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек ходимларни рағбатлантиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади.

- асосий турдаги солиқ ставкаларини, жумладан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи, нефть маҳсулотларига акциз солиғи, ягона ер солиғи, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ва бошқа бир қатор солиқ ҳамда тўловларнинг амалдаги ставкаларини сақлаб қолиш;

- фойдаланиш муддати 10 йилдан ортиқ бўлмаган (ҳозирги вақтда 5 йил) асбоб-ускуна қийматига юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базани камайтириш, бу ишлаб

чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун қўшимча манба яратиш имконини беради;

- жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича солиқ шкаласининг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириш (фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий ҳисобварақларига 1% маблағни ўтказиш тартибини сақлаган ҳолда), бу аҳоли даромадларини ошириш имконини беради;

- республикада ишлаб чиқарилган алкогольли маҳсулотларига акциз солиғи ставкаларини 25 фоизга, тамаки маҳсулотларига 35 фоизга индексация қилиш, бу эса бюджетга қўшимча маблағ тушишини таъминлайди;

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 1,15 баравар, ер солиғи ставкасини (ягона ер солиғи бундан мустасно) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини – 1,2 баравар индексация қилиш, бу ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга кўмаклашади;

- асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолашнинг даврийлигини кичик бизнес корхоналари учун ҳар йилликдан уч йилда бир мартага ўзайтириш;

- бензин, дизел ёқилғиси, суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкасини 10 фоизга индексация қилиш;

- юқорида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар ҳисобига 2014 йилда иқтисодиётга солиқ юкларини 2013 йилда ташкил қилинган ялпи ички маҳсулотнинг 21,5 фоизи ўрнига 21 фоизгача пасайтиришни таъминлаш;

б) бюджет сиёсатини такомиллаштириш соҳасида:

- Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинишини таъминлаш;

- бюджет соҳаси ходимларига иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни 17,6 фоизга ёки инфляция суръатларидан олдинда боровчи миқдорларда ошириш;

- тажриба тариқасида 2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини амалга киритиш йўли билан бюджет жараёнининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, уни 2014-2015 йилларда синовдан ўтказиш;

- қишлоқ жойларда барпо этилаётган аҳоли турар жой мавзеларида ички йўллар ва сув қувури тармоқлари ҳамда ижтимоий-маиший объектлар қуриш;

- таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларининг моддий-техника базасини ва жиҳозланганлигини янада мустаҳкамлаш;

- иқтисодиёт ва инвестицияларга харажатларни етарли даражада молиялаштириш.

2014 йил Хоразм вилоят маҳаллий бюджети жами даромадларини 558,5 млрд. сўм миқдорида белгиланган (3.3.1 жадвал). Шунда бюджет жами даромадлари ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан 12,4 фоизни ташкил этади.

2014 йил вилоят маҳаллий бюджети харажатларини 941,9 млрд. сўм миқдорида тасдиқланиб (3.3.2 жадвал), маблағлар ҳисобига қуйидаги устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Авваламбор, 2014 йилда ҳам бюджет харажатларининг ижтимоий йўналганлиги сақлаб қолинади ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилади.

Ижтимоий соҳа тармоқлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлаш харажатларига жами бюджет маблағларининг 85,5 фоизидан ортиғини ёки 805,8 млрд. сўм йўналтириш кўзда тутилган.

2014 йил вилоят маҳаллий бюджети харажатларини шакллантиришда узлуксиз таълим тизимини молиявий таъминлаш мақсадида қарийб 518,6 млрд. сўм ёки жами бюджет харажатларининг 55,1 фоизи ажратилган.

Бунга қўшимча равишда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан қарийб 37,1 млрд. сўм йўналтирилган.

Жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 7 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 14 тасини мукаммал таъмирлаш мўлжалланган.

Ўз навбатида Жамғарма маблағлари ҳисобига 1 та касб-хунар коллежида қурилиш, 3 та касб-хунар коллежида реконструкция ишлари ҳамда 6 тасида мукаммал таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 1 та академик лицейни реконструкция, 1 та академик лицейни мукаммал таъмирлаш режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш тизимининг жорий харажатларига 200,9 млрд.сўм ажратилган.

Бундан ташқари, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилишга 21,8 млрд. сўм сарфланиши режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида 2014 йил вилоят маҳаллий бюджети лойиҳасида инвестицияларга йўналтириладиган маблағлар 2013 йилга нисбатан 4,1 баробарга оширилиб, ушбу мақсадларга 64,6 млрд. сўм ажратилган.

Мазкур маблағлар ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

Қишлоқ аҳоли пунктларига 188,45 км ичимлик суви қувурларини ётқизиш ҳамда келгуси йилда қишлоқ ҳудудларида барпо этиладиган уй-жой масканларини ичимлик суви билан таъминлашга жами 13,3 млрд. сўм ажратилиб, бу мақсадларга ажратилаётган капитал маблағлар 2013йилга нисбатан 1,8 баробар кўпайтирилган.

Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштириш билан боғлиқ харажатлар 2013 йилга нисбатан 120 фоизга ошиб, 35,6 млрд. сўмни ташкил этган.

Ўз навбатида, 2014 йилда вилоят маҳаллий бюджетида маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бошқа харажатлар ҳам тўлиқ равишда ўзининг ифодасини топган.

Шундай қилиб, 2014 йилда вилоят маҳаллий бюджети даромадлари 558,5 млрд. сўмни, харажатлари эса 808,7 млрд. сўмни ташкил қилади.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш омиллари куйидагилардан иборат:

- аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишга қаратилган макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича дастурлар амалга оширилиш;

- қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг жадал ривожлантирилишини, энг аввало, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун тармоқлар ҳамда иншоотлар қурилиши ва реконструкция қилинишини таъминлаш;

- иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш;

- янги объектларни ишга тушириш, саноат, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасидаги амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда улардан тўлароқ фойдаланиш,

инфратузилма, коммуникация ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш;

- кичик бизнес, хусусан, оилавий тадбиркорлик, касаначилик имкониятларини кенгайтириш ҳисобига 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий нафақалар компенсация тўловлари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг ўз вақтида молиялаштирилиши устидан назоратни кучайтириш;

- бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда ушбу маблағларнинг асоссиз сарфланишини бартараф этиш чора-тадбирлари қурилиши устидан қатъий назорат урнатиш.

Вилоятда ижтимоий соҳа тармоқларини истикболда ривожлантириш йўналишлари “Соғлом бола йили” Давлат дастурини Хоразм вилоятида бажарилиши юзасидан қабул қилинган дастурда белгилаб берилган.

Дастурни амалга ошириш учун режалаштирилган жами харажатлар 366,7 миллиард сўм ва эквивалентда 12,2 миллион АКШ долларини ташкил қилади. Шулардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари 164,3 миллиард сўм ва 150 минг АКШ доллари, ижрочилар ва хомийлар маблағлари 77 миллиард сўм ва 26 минг АКШ доллари, тижорат банклари кредитлари 125,4 миллиард сўм, Халқаро ташкилотлари ва Молия институтлари маблағлари ва грантлари 19,8 миллион сўм ва 12,5 миллион АКШ долларини ташкил этади.

3.3.1-жадвал

2014 йил учун Хоразм вилояти бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари⁴⁰

Даромад турлари		Минг сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	17 799 700,0

2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	34 765 100,0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар буйича	39 200 400,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	112 852 900,0
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	24 265 528,0
6	Қўшилган қиймат солиғи	138 527 000,0
7	Акциз солиги, жами	26 907 200,0
	Шу жумладан:	
	-ароқ	15 273 600,0
	-коньяк	122 200,0
	-ўсимлик (пахта) ёғи	11 511 400,0
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	14 288 969,0
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	14 254 000,0
10	Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	26 261 400,0
11	Ягона ер солиғи	12 341 100,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 038 700,0
15	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	5 653 500,0
16	Давлат божи	19 250 400,0
17	Жарималар	14 449 300,0
18	ЎзР Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	11 818 900,0
19	Бозорлар даромадидан тушум	6 052 900,0
20	Маҳаллий йиғимлар	1 021 600,0
21	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёкилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	36 579 900,0
22	Бошка тушумлар	1 172 900,0
Жами		558 501 397,0

⁴⁰ Хоразм вилоят кенгаши 2013 йил 27 декабрь 34 сессияси маълумотлари

3.3.2-жадвал

Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2014 йилги асосий кўрсаткичлари⁴¹

Кўрсаткичлар	Минг сўм
Харажатлар жами	942 909 951,0
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қуватлашга харажатлар жами	805 825 166,0
Жумладан:	
1.1 Маориф	518 582 679,0
-умумий таълим	398 990 193,0
-кадрлар таййорлаш	119 592 486,0
1.2 Соғлиқни сақлаш	200 937 709,0
1.3 Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	6 630 990,0
-маданият ва оммавий ахборот воситалари	6 500 401,0
-спорт	130 589,0
1.4 Фан	476 326,0
1.5 Ижтимоий таминот	2 436 174,0
1.6 Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	75 929 238,0
-вояга етмаган болалари бор оилаларга нафақа	19 870 422,0
-болалари 2 ёшга тўлгунча оналарга тўланадиган нафақа	49 827 752,0
-кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам	6 231 064,0
1.7 Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	4 805,0
1.8 Ижтимоий кўникма марказлари	383 368,0
1.9 Иситиш қозонхоналарива каммунал хўжаликнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	306 153,0
1.10 Иштиёзли кантингентдаги кишиларни бепул ташиганлиги учун троллейбус хўжалигининг зарарини қоплаш	69 798,0
1.14 Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредитини қайтариш	67 926,0
2. Иқтисодиётга харажатлар	42 288 089,0
Жумладан	
2.1 Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	5 793 846,0
2.2 Ободонлаштириш	35 602 906,0
2.3 Коммунадренаж	
2.4 Хўжайли ва Чалиш сув йўли технологик участкаси	891 337,0
3 Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	64 622 000,0
4 Давлат ҳокимияти ва бошқарув ўрганларини сақлаш	10 091 764,0
5 Фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларини сақлаш	17 676 840,0
6 Заҳира жамғармаси	1 128 937,0
7 Бошқа харажатлар	277 155,0

⁴¹Хоразм вилоят кенгаши 2013 йил 27 декабрь 34 сессияси маълумотлари

Хулоса ва таклифлар

1. Ижтимоий соҳада минтакавий сиёсатининг асосий йуналишлари аҳолининг ҳар бир аъзосини турмуш шароитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш ҳисобланади. Ана шу маънода аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг канчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

2. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини янада юксалтириш учун фикримизча, юзага келган муаммо ва номутаносибликларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- минтақаларда табиий-иқтисодий имкониятдан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш;
- кичик бизнес, касаначилик ва бозор инфратузилмаси асосида бандликни ошириш;
- минтақаларга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини кенг жалб этиш;
- шаҳар ҳамда қишлоқларда юқори технологик ишлаб чиқаришни яратиш;
- қишлоқ жойларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда мақсадли ижтимоий дастурлар ҳамда лойиҳалар пакетини амалга ошириш;
- маҳаллий ҳукумат органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш, аҳолини турар жой билан таъминлаш ва шаҳарлар барпо этиш тизимини такомиллаштириш;

•минтақавий ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва бошқалар.

3. Минтақада қабул қилинган дастурни амалга оширишда Давлат ва ҳудудий дастурларига мувофиқ янги объектларни ишга тушириш, корхоналарнинг мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш жумладан, қишлоқ жойларда уй-жойларни таъмирлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни ташкил этиш, уй меҳнатини ва фермер, деҳқон хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик ва иссиқ хоналарни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларни доимий равишда таҳлил қилиб, шаҳар ва туманлар, вилоят кенгашлари депутатлари, ўз ҳудудлари бўйича ишлаб чиқилган янги иш ўринлари яратиш дастурларини бажарилишига, дастурга кирган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда, иш ўринлари яратишда юзага келган муаммоларни ечишда доимий ҳамкорликни йўлга қўйишлари зарур.

Вилоят, шаҳар туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар дастурда белгиланган янги иш ўринлари яратиш параметрларини мониторингини доимий равишда олиб боришлари ҳамда, дастурга кирган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда, иш ўринлари яратишда юзага келган муаммоларни ечишда доимий ҳамкорликни йўлга қўйишлари, дастурнинг бажарилиши тўғрисида мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ахборот бериб боришлари зарур.

4. Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш омиллари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишга қаратилган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича дастурлар амалга оширилиш;

- қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг жадал ривожлантирилишини, энг аввало, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун тармоқлар ҳамда иншоотлар қурилиши ва реконструкция қилинишини таъминлаш;

- иктисодиётга тушадиган солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш;

- янги объектларни ишга тушириш, саноат, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасидаги амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда улардан тўлароқ фойдаланиш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш, - кичик бизнес, хусусан, оилавий тадбиркорлик, касаначилик имкониятларини кенгайтириш ҳисобига 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий нафақалар компенсация тўловлари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг ўз вақтида молиялаштирилиши устидан назоратни кучайтириш;

- бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда ушбу маблағларнинг асоссиз сарфланишини бартараф этиш чора-тадбирлари қурилиши устидан қатъий назорат урнатиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. -Т.: "Адолат" 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент: "Адолат", 2000.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони. 2005 йил 11 апрель.
8. "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги №252-сонли "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги №165-сонли "Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида"ги Қарори.
11. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: "Ўзбекистон", 2011. - 56 б.
13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қаттият билан давом эттириш. -Т.: "Ўзбекистон", 2013. -64 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 ноябр ПҚ-1856-сон "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида" ги Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қаттият билан давом эттириш" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. -Т.: "Ўқитувчи" НМИУ. -2013. -360 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маъросимидаги нутқи. Халқ сўзи. 7 июн 2014 йил.
18. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2007. - 250 б.
19. Абулкасимов Х.,П., Хасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. -Т.: Академия, 2010. -216 б.

20. Вахобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. -Т.: Шарқ, 2003. -320 б.
21. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. -Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ". 2009. - 212 б.
22. Слезингер Г.Е. Социальная экономика. Учебник-М.: ДИС, 2001.
23. Хошимов П.З. Экономика социальной сферы. Т.: 2002. 210 с.
24. Социальная политика: Учебник. /Под общ. ред. Н.А.Волгина. -М.: Экзамен, 2002. -736 с.
25. Саидов К.С., Сейтмуратов Р.А., Асланова Д.Х., Исхокова С.А. Социал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -365 б.
26. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари. -Т.: Akademiya, 2012. -455-б.
27. Абдулахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Аҳолини ижтимоий муҳлфаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010. - 268 б.
28. Аверин А.Н. Государственная система социальной защиты населения. Учебное пособие. - М.: РАГС, 2011. - 395.
29. Шишкин СВ. "Экономика социальной сферы". Учебник. -М.: ВШЭ, 2009. -254 с.
30. Кричевский НА. Социальное страхование. Учебник. -М.: Дашков и К, 2011.-381 с.
31. Рўзметов Ш., Аминова М., Абдуллаева Г. Минтақада янги иш ўринларини яратиш дастурининг устувор йўналишлари. "Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва инсон тараққиёти даражасини оширишнинг ижтимоий-психологик йўналишлари" Ўзбекистон Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман материаллари. 3-4 июн 2014 йил. Бухоро, 2014.
32. Рўзметов Ш., Эгамов Б., Болтаев Ш. Основной фактор в обеспечения человеческого развития в Ўзбекистане. "Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва инсон тараққиёти даражасини оширишнинг ижтимоий-

- психологик йўналишлари" Ўзбекистон Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман материаллари. 3-4 июн 2014 йил. Бухоро, 2014.
33. Экономическая теория.: Учебник. / И.К.Станковская, И.А.Стрелец. 3-е изд., испр. - М.: «Эксмо», 2009. - 448 с.
 34. Экономика.: Учебник. / Самуэльсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. 18-е изд.: Пер с англ. - М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. - 1360 с.
 35. Экономическая теория для бакалавров: учеб. пос../С.С.Носова, В.И.Новичкова. - М.: КНО РУС, 2009. - 368 с.
 36. 52.Человеческое развитие: учебник / Коллектив авторов. - 2-е издание. - Т.: УМЭД, ПРООН, 2011. - 656 с.
 37. Инсон тараққиёти. Дарслик. проф. К,Х- Абдурахмонов таҳрири остида. - Т.: "Фан ва технология", 2013, 476 б.
 38. Эффективность антикризисных программ и приоритеты посткризисного развития: (на примере Ўзбекистана): Межд. науч.-практ. конф. Ч. I. -Т.: Ўзбекистан, 2010. -144 с.
 39. Эффективность антикризисных программ и приоритеты посткризисного развития: (на примере Ўзбекистана): Межд. науч.-практ. конф. Ч. II. -Т.: Ўзбекистан, 2010. -250 с.
 40. Срожиддинова З.Х. Бюджетная система Республики Ўзбекистан. - Т., 2010. -480 с.
 41. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Стат. тўплам. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -140 б.
 42. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Назиркулов. -Т.: Baktria Press, 2012. - 352 с.
 43. Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. -М. Изд. "Весь Мир", 2013.

44. World development report 2012. Gender equality and development. The World Bank 2013.

45. **Интернет – ресурслари:**

1. www.mineconomy.uz
2. www.senat.uz
3. www.parliament.gov.uz
4. www.stat.uz
5. www.gov.uz
6. www.press-service.uz
7. www.cer.uz
8. www.worldbank.org
9. [http:// www.krsu.edu.kg/vestnik/v3/a15.html](http://www.krsu.edu.kg/vestnik/v3/a15.html)
10. [http:// www.dinform.ru/newanalit](http://www.dinform.ru/newanalit)
11. <http://fao.org>
12. <http://www.citystrategy.leontief.ru>.
13. <http://www.jn.vscs.ac.ru>.

Oldi

116,1,114,3,112,5,110,7,108,9,106,11,104,13,102,15,100,17,98,19,96,21,94,23,92,25,90,27,88,29,86,31,84,33,82,35,80,37,78,39,76,41,74,43,72,45,70,47,68,49,66,51,64,53,62,55,60,57

Orqasi

58,59,56,61,54,63,52,65,50,67,48,69,46,71,44,73,42,75,40,77,38,79,36,81,34,83,32,85,30,87,28,89,26,91,24,93,22,95,20,97,18,99,16,101,14,103,12,105,10,107,8,109,6,111,4,113,2,115